



“МАҲАЛЛА РАИСИ МАКТАБ ҲАЁТИДА ФАОЛ ҚАТНАШИШИ КЕРАК”



Президент Шавкат Мирзиёев 26 январь куни мактаб таълими сифатини яхшилаш чора-тадбирларига оид тақдирот билан танишди.

Мамлакатимизда 10 минг 284 та мактаб бор. Мактабларни йилга ўртача 400 минг ўқувчи битираётган бўлса, уларнинг 170 минг нафари таълимни давом эттирмоқда. Хозиргача 208 та мактабнинг юқори синф ўқувчиларига 3 та йўналиш бўйича касбга ўргатиш йўлга қўйилди. Чет тилини билиш сертификатига эга бўлган мактаб битирувчилари сони охириги икки йилда 6 минг нафардан 18 мингга етди.

Бугунги кунда худудлардаги 500 та мактабда Президент ва ихтисослашган мактабларнинг баҳолаш тизими жорий этилган. Натижада илғор хорижий тажриба асосида вазиятни таҳлил қилиш, муаммони ечиш, жамоада ишлаш каби амалий машғулотлар улуши 60 фоизга етказилган. Келгуси ўқув йилига қадар ушбу баҳолаш тизими халқроқ тестология мезонларига мослаштирилади. Мактабларнинг ўзи аккредитациядан ўтказилади.

Йиғилишда Малака ошириш марказлари эскича ишлаётгани, илмий салоҳияти

юқори эмаслиги қайд этилди. Шу боис 14 та худуддаги бундай марказлар фаолияти қайта кўриб чиқилади, ўқитувчиларни касбий ривожлантириш дастурлари жорий этилади. Мактабларда хорижий тил бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини бу билан уйғунлаштириш зарур. Хорижий тилни интенсив тарзда ўргатиш амалиётини кенгайтириш лозим.

Давлатимиз раҳбари мактаблар фаолиятида маҳалла раиси ва фаолларнинг ўрни катта бўлиши кераклигини таъкидлади — Маҳалладаги муҳит, аҳоли бандлиги кўп жиҳатдан ёшлар таълим-тарбиясига боғлиқ. Шундай экан, маҳалла раиси ота-оналар билан бирга мактаблар ҳаётида фаол қатнашиши, ёшларнинг билими ва касб эгаллашиши эътиборли бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, мактаб масаласи фақатгина таълим соҳасининг эмас, ота-оналар, маҳалла фаоллари, бутун жамият-

нинг иши. Чунки мактаб мамлакат келажакнинг замини. “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган мақол замирида айтиш мумкин, “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган мақол замирида айтиш мумкин, “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган мақол замирида айтиш мумкин, “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган мақол замирида айтиш мумкин.

Йиғилишда хусусий мактаблар учун лицензия талабларини янада соддалаштириш, кредит, солиқ ва коммунал тўловлардан қўшимча енгилликлар бериш бўйича таклифлар билдирилди. Таълим ташкилотлари фаолияти ва таълим сифати мониторинги платформаси ишга туширилади. Таълимнинг барча бўғинларида ислохотларни ягона концепция асосида амалга ошириш бўйича Лойиха офиси ташкил қилинади. У боғча, мактаб, касбий ҳамда олий таълимда ўқув стандарти ва дастурларини илғор тажрибалар асосида ишлаб чиқишга масъул бўлади.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 21 декабрдаги маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш, соҳада бошқарув тизimini такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасини ташкил этиш ҳақидаги фармон ва қарори ижросини таъминлаш доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг таъсис Конференцияси ўтказилди. Уюшманинг маҳаллалар фаолларига мурожаати эълон қилинди. Уюшманинг устави, рамзи, худудий бўлинмаларнинг низомлари тасдиқланди ҳамда улар Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Халқчил тузилма халқ розилиги йўлида

Жорий йилнинг 12-15 январь кунлари 9 442 нафар маҳалла раисларига фармон ва қарорнинг мазмун-моҳияти, функционал вазифалари, шунингдек, Маънавият ва маърифат кенгаширининг йиғилишида белгилаб берилган устувор йўналишларни тушунтиришга қаратилган семинарлар ташкил этилди. Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари лавозимига муносиб номзодлар тайинланди. 208 та туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари лавозимларига Уюшмага юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, назарий билим ва амалий кўникмаларга эга

юқори малакали номзодлар шакллантирилди. Айтиш керакки, улар билан суҳбатлар ўтказилмоқда.

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бино ва иншоотлар, зарур мебель жамланмаси ва компьютер техникалари билан таъминланди. “Маҳалла” телерадиоканали, “Маҳалла” газетаси, “Маҳалла кўзгуси” журнали фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрланди. Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда “маҳалла еттилик”нинг малакасини ошириш, уларда бошқарув кўникмалари шаклланишига кўмаклашиш бўйича тренинглари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Республика ишчи гуруҳи ўрганишлар олиб борди

Президент фармон ва қароридан белгиланган вазифалар ижроси доирасида Президент маслаҳатчилари Ғ.Мирзаев, Д.Кодиров, Уюшма раиси Қ.Куронбоев раҳбарлигида Республика ишчи гуруҳлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрига масъул сифатида бириктирилган Ғ.Эзиев, Ж.Азимов, Ж.Иноғомов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳлари 61 та туман (шаҳар)да ўрганишлар олиб борди.

Бунда маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар ҳолатига эътибор қаратилди. Жараёнда танланган туман (шаҳар)ларда жами 597 та маҳалла, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ҳолати оғир бўлган 507 та маҳалла ўрганилди ва унинг натижаларига кўра, 2 347 та муаммо мавжудлиги аниқланди. Эътиборлиси, аниқланган муаммоларнинг 1 184 таси жойида бартараф этилган бўлса, ҳал этилиши муайян муддатни талаб этадиган 1 163 та муаммо худудий “Йўл хариталари”га киритилди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:



“Кўчабоши, уйбошилар қачон рафбат олади?”

4-САҲИФАДА



“МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР СЕНИ ОРТИБ КЕТАПТИ...”

5-САҲИФАДА



“ЎҒИРЛИКЛАР ТУФАЙЛИ “ҚИЗИЛ” ТОИФАДАМИЗ”

6-САҲИФАДА



“ТАРБИЯДА МЕЗОН БЎЛМАСА, ОИЛА ВА ЖАМИЯТДА МУВОЗАНАТ БУЗИЛАДИ”

7-САҲИФАДА

Халқчил тузилма халқ розилиги йўлида

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

Жараёнда 328 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди ва 20 686 нафар фуқаро (шу жумладан, 4 677 нафар ёшлар, 8 427 нафар хотин-қизлар) ишга жойлаштирилди. 961 нафар ишсиз фуқаро касб-хунарларни ўқитишга жалб этилди. 356 нафарига кредит, 25 нафарига субсидия ажратилди. 103 та янги иш ўринлари яратилди 163 нафар боқимандалик кайфиятига тушиб қолган фуқаролар билан яққа тартибда суҳбатлар ўтказилди. 843 нафар ижтимоий химоя мухтож оилалар вакиллари республика миқёсдаги диққатга сазовор жойларига саёхатлари ташкил этилди.

Ишчи гуруҳлари ижтимоий химояга мухтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Хусусан, ўрганишлар давомида 3 093 та ажралиш ёқасидаги оилаларни яраштириш чоралари кўрилиб, 2 024 та нотинч оилалардаги низолаarga барҳам берилди. 27 113 та ижтимоий химояга мухтож оилаларга дори-дармонлар олиб берилиб, 367 нафар ногиронлиги бор шахслар аравага, 372 нафари протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминланди.



Лавозимга муносиблар сараланди

Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш соҳасида 31 та маҳалла биносини қуриш, 23 тасини реконструкция қилиш, 33 тасини таъмирлаш ишлари ташкиллаштирилди. 22 та маҳаллада "еттилик" компьютер жамланмалари билан таъминланди, 14 та маҳаллага мебель жиҳозлари олиб берилди. Шунингдек, 161 нафар маҳалла раислари, 148 нафар ҳоким ёрдамчиси, 136 нафар ёшлар етакчиси, 101 нафар хотин-қизлар фаоли, 60 нафар профилактика инспекторининг фаолияти ўрганилиб, уларга услубий ёрдамлар кўрсатилди.

Тахлил натижаларига кўра, лавозимига нолайик деб ҳисобланган жами 26 нафар ходимни алмаштириш тавсия этилди, бўш турган жами 48 та лавозим (шундан, 6 та маҳалла раиси, 16 та ҳоким ёрдамчиси, 14 та ёшлар етакчиси, 18 та хотин-қизлар фаоли, 4 та профилактика инспектори) муносиб кадрлар билан тўлдирилди. 23 та маҳаллада ижтимоий ходим ва солиқ инспектори лавозимларига муносиб кадрларни тайинлаш ишлари ташкиллаштирилди. Қолаверса, 29 та йиғинда "Маҳалла бюджет" тизими амалиётга жорий этилди.

Ёшлар таълим-тарбияси масаласи эътибордан четда қолмади. Ўрганишлар давомида 119 та умумтаълим мактабида 11 997 та тадбир ўтказилди. Бундан ташқари, 725 923 нафар ўқувчилар, шу жумладан, 28 950 нафар эхтиёжманд оилалар фарзандлари ва 635 нафар профилактика ҳисобда турган ўқувчилар ўқув фанлари бўйича тўғаракларга жалб қилинди. 70 та умумтаълим мактабида давомаат 92 фоиздан 100 фоизга ошириш ва жами 163 нафар ўқувчини таълимга қайтариш чоралари кўрилди.

"Хавфсиз маҳалла" тамойилини жорий этиш бўйича 10 766 та профилактика тадбирлар, 2 978 та давомаат рейдлари ўтказилди. 234 нафар жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келганларнинг 205 нафарининг бандлиги таъминланди. Маҳаллаларда "Хавфсиз маҳалла", "Мен маҳалламга бепарқ эмасман", "Менин маҳаллам, менин кўчам тинч ва тоза, жиноятчиликдан ҳоли маҳалла" мавзуларида тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, ички ишлар органларининг профилактика ҳисобида турувчи 41 704 нафар ёшларнинг муаммолари ўрганилди ва натижада аниқланган 372 та муаммодан 322 таси ҳал этилди. Миграцияда юрган 296 744 нафар фуқаронинг оилаларидаги муаммолари ўрганилиб, 457 та муаммодан 301 тасига ечим топилди.

"Тойлоқ тажрибаси" йўлга қўйилди

Келинг, Республика ишчи гуруҳининг биргина Самарқанд вилоятида амалга оширган ишларига қисқача тўхталиб ўтсак. Жараёнда вилоятдаги 814 та (72,3 фоиз) маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти ўрганилди. Бунда асосий эътибор аҳоли муаммоларини ўрганиш ва жойида ижобий ҳал этиш ҳамда "оғир маҳалла" тоифасига кирувчи 217 та маҳаллага қаратилди.

"Маҳалла еттилиги"нинг ҳамкорликда ишлаш бўйича янги-ча тизим ишлаб чиқилди. Бунда Тойлоқ туманидаги "Тепла қишлоқ" маҳалласи мисолида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, профилактика ва солиқ инспекторларининг ўзаро ҳамкорликда "хонадонбай", "фуқаробай" ишларини ташкил қилиш бўйича "Тойлоқ тажрибаси" йўлга қўйилди.

Ўрганишларда аҳолидан 1 429 та мурожаат келиб тушди, 467 та муаммоли масала аниқланди. Уларнинг 963 таси (50,7 фоизи) жойида ижобий ҳал этилди, 419 тасини (22 фоизи) ҳал қилиш бўйича қўшимча чоралар кўрилмоқда. Қолган 514 таси (27,1 фоизи) маҳалла, туман-шаҳарлар ва вилоят кесимида тайёрланган "Йўл хариталари"га киритилмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида вилоятнинг 5 250 та хонадонига кирилиб, улардан 6 059 тасига моддий ёрдамлар кўрсатилди, 21 та ажралиш ёқасидаги оилаларнинг 16 таси яраштирилди, 18 та нотинч оиладан 16 тасининг низолаари бартараф этилди ва 2 нафар аёлга химоя ордери берилди.

Вилоятдаги барча 1 126 та маҳаллага 11 260 дона гимнас-



тика гардиши (обрич), футбол, волейбол ва баскетбол тўплари каби спорт анжомлари жамланмаси етказиб берилди. Барча туман-шаҳарлар сектор раҳбарлари иштирокида миграциядаги ёшлар билан ўтказилган онлайн мулоқотларда 4 800 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Ишчи гуруҳи Самарқанд шаҳридаги "Хўжа соат" маҳалласи мисолида 90 кунлик маънавий-маърифий тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиб, мазкур намуна асосида ҳар бир маҳалла учун Дастурлар тайёрланди. Аҳамиятлиси, бу тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга асосий масъул этиб туман-шаҳар Кенгашлари депутатлари белгиланди. Ўрганишлар давомида 436 та янги иш ўрни яратилди, 139 нафар ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти вилоят бўйича 16 308 нафар респондент орасида (65,7 фоизи ёшлар) ижтимоий сўровнома ўтказди, 8 мингдан ортиқ таклиф ва мурожаат келиб тушди. Улар қаторида коррупция ва таниш-билишчилик, нархларнинг ўсиши, таълим си-

фатининг пастлиги, ишсизлик ва оилавий ажралишларнинг ортиб бориши каби бир қатор муаммолар кўтарилган бўлиб, натижалари таҳлил қилинди.

Маҳаллалар ҳудудидаги 29 та "қизил" тоифадаги таълим муассасалари билан тизимли ишлар ташкил этилиб, уларнинг барчаси "сарик" тоифага ўтказилди. Ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларининг ёшларни оталиққа олиш ва улар билан манзилли ишлаш тизимини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Шу мақсадда маҳаллалардаги 361 минг нафар ёшлар ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига секторлар кесимида бириктирилди. Ишчи гуруҳи ташаббуси билан Каттакўрғон туманида 22 нафар ёшлар кафолат хатига асосан, ички ишлар органларининг пробация ва профилактика ҳисобидан чиқарилди.

Ўрганишлар давомида аниқланган масалалар Республика ишчи гуруҳлари томонидан мутаасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама этилмоқда. Маҳаллаларда амалга оширилиши лозим бўлган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ишлари давом этапти.

Қандай хужжат лойиҳалари тайёрланди?

Маҳалла тизими фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ва услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан Президент фармон ва қарори талабларидан келиб чиқиб, 6 та қонунчилик ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жумладан:

- 1) "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси.
- 2) "Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси.
- 3) "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июлдаги "Маҳалла ифтихори" кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги ПҚ-3132-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Президент қарори лойиҳаси.
- 4) "Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.
- 5) "Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 380-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарор лойиҳаси.
- 6) "Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг ишга келиб кетиши бўйича давомаатни (табел) юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.

Шунингдек, Уюшма томонидан тизим ҳамда маҳалла "еттилиги" фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган "Халқ ва давлат ўртасида мустақил ва халқчил тузилма" номи услубий-амалий қўлланма ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Уюшма қошида медиа марказ, пресс-клуб, ўқув-услубий марказ ҳамда "Обод ва хавфсиз маҳалла" жамғармасини Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазиридан Уюшма тасарруфига ўтказиш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда. Вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги маҳалла ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида "еттилик"нинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.



Ўрганишлар давомида 2023 йил 22 декабрда Республика Маънавий-маърифат кенгаши ҳамда жорий йил 12 январда Хавфсизлик кенгашининг ўтказилган кенгайтирилган йиғилишларида белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилди.

Бу жараёнда 328 та маҳаллада маънавий-маърифий соҳалардаги

янги-ча иш услубларини жорий этиш бўйича фаоллар иштирокида дара суҳбатлари ўтказилди. 296 та маҳаллада 2 430 нафар зиёлилар, нуронийлар, Ҳаж ва Умра зиёратларига бориб келганлар рўйхати шакллантирилди ва уларни маънавий тарғиботчиси бўлишлари йўлга қўйилди.

364 та маҳалла биносида қа-тағон қурбонлари хотирасига оид

бурчаклар ташкил этилди. 24 та хонадонга "Жадид яшаган, бу хонадоннинг бобоси Жадид бўлган" деган ёзувлар ўрнатилди. Шунингдек, 715 та маҳаллада кутубхона ва 50 тасида фольклор-этнография ансамбллари ташкил этилди. 1 572 та маҳаллада маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш тадбирлари ("Заковат" мусобақаси, "Зукко китобхон", "Ёш китобхон" ва "Мунозара" интеллектуал ўйинлари) уюштирилди.

Танлаб олинган 56 та маҳаллада "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, мазкур маҳаллаларга алоҳида бириктирилган Республика ишчи гуруҳлари жойлардаги масъуллар, маҳалла фаоллари билан биргаликда 632 та хонадонда ўрганишлар ўтказди. Хатлов натижалари асосида "Йўл хариталари" ишлаб чиқилмоқда.

Ўрганишлар давомида маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари уюштирилди. Хусусан, 4 378 та маънавий-маърифий тадбирларда 222 466 нафар аҳоли иштироки таъминланди. 1 963 та ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган, 3 127 та тўй-ҳашамларни ихчам ўтказиш бўйича тадбирлар ташкил этилди. Қолаверса, 1 727 та "Уч авлод учрашувлари", 1 871 та "Бир нафар нуронийга ўн нафар ёш" тадбирлари ўтказилди. 8 443 та спорт (футбол, волейбол, стол теннис) мусобақалари ташкил этилиб, уларда 321 652 нафар аҳоли қатнашди.

"Еттилик"ка қандай кўмак берилди?

Ўрганишлар давомида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Куронбоев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Нуробод туманининг энг олис "Лолзор" маҳалласига ташриф буюриб, "маҳалла еттилиги" фаолияти ҳамда уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги оилавий шифокорлик пункти ҳамда 50-умумтаълим мактабидаги таъмирлаш-реконструкция ишлари ҳолати ўрганилиб, аниқланган камчиликларни қисқа фурсатларда бартараф этиш юзасидан масъулларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Шу билан бирга, маҳалла ёшлари учун янги мини-стадион қуриб берилиши бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Навбатдаги манзил — Пахтачи туманининг олис "Фаровон Йўлдошобод" маҳалласи бўлди. Уюшма раиси Қ.Куронбоев маҳалла ҳаёти, маҳалла еттилиги"га яратилган қўлайликлар билан яқиндан танишди. Шунингдек, маҳалла ёшлари учун ёшлар етакчиси хонасида кутубхона ва янги ўқув маркази барпо этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.



Ҳудуддаги Болтали оилавий шифокорлик пунктидаги шарт-шароитлар ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш фаолияти кўздан кечирилди. Тиббий хизматларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар бериб ўтилди.

Булунғур туманидаги ўрганишларда муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар шакллантирилди.

Фозил Йўлдош номидаги музей, 12-сонли "Соҳибкор" маданият

уйи фаолияти ўрганилди. Суҳбатлар давомида Булунғур туманида шакллантирилган ўзига хос тажрибали республиканинг бошқа ҳудудларига намуна сифатида кўрсатиш мумкинлиги эътироф этилди. Туманда маънавият ва маърифат соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган келгуси вазифалар муҳокама қилиниб, таклифлар билдирилди.

Республика ишчи гуруҳи.

“...Маҳаллаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ўз навбатида зиммаимизга катта масъулият ва жавобгарлик юклашини, албатта, барчамиз яхши тасаввур қиламиз. Айниқса, Президентимиз раислигида 2023 йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, 2024 йил 12 январда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йўналишларида муҳокама қилинган долзарб масалалар ва белгилаб олинган муҳим вазифалар ўзини маҳалла ҳаётига, эл-юртимиз тақдирини ва келажагига дахлдор, деб билган ҳеч қайси инсонни бефарқ қолдирмайди. Чунки инсон қадри, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик, маънавият ва маърифат, маданият ва санъат, спорт ва илм-фан ривожини, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аввало, маҳалладан бошланади”.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси таъсис конференцияси иштирокчиларининг маҳаллалар фаолларига Мурожаатидан.

МУРОЖААТНИ ЎҚИБ...

Янги давр даъвати



Матлубахон ҒАНИЕВА, Андижон туманидаги “Орол” маҳалласи раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси таъсис конференцияси иштирокчиларининг маҳаллалар фаолларига Мурожаати фаолиятимизда янги бир даврга чақирик бўлди. Таъкидланганидек, бугунги кунда ҳамма иш маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилинмоқда. Бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, унга кўшимча куч, имкониятлар берилляпти. Бу, албатта, ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани.

Ҳар бир ҳудудни ўрганиш асосида ўзига хос “ўсиш нуқтаси” белгилаб олинди. Аҳоли қандай кучга эга, қайси йўналишда ривожланишга эришади, ёшларнинг қизиқишлари қандай, қўйингки ҳамма-ҳаммаси ҳисобга олинди. Шу ўринда бизнинг маҳалламизда ҳам ривожланиш сари дадил қадам ташланмоқда. Мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳалладошларнинг манфати йўлида самарали иш олиб бораёмиз. Ўтган 2023 йилда 385 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 233 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиш орқали доимий даромад манбаига эга бўлди. Иштирокчи кредит билан 57 та тадбиркорлик фаолиятига асос солинди. 195 нафар фуқарога 10 сотихдан ер майдони ажратилиши ҳисобига

кўшимча 200 нафар ҳамюртимизнинг бандлиги таъминланди. Ёшларнинг 30 нафари кўрсатилган амалий ёрдам туфайли ҳаётда ўз йўлларида топиб олдилар. Мурожаатни қайта-қайта ўқир эканмиз, олдимизда турган муҳим вазифалар масъулиятимизда эканини ҳис қиламиз. Кўрсатиб ўтилганидек, бугун ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур. Навқирон авлод вакилларининг ишлари жараёнидаги иштирокини ошириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун биринчи навбатда маҳаллаларда кулай муҳит ва шароитлар яратиш ўта муҳим вазифамиздир. Ишонч билан айтаман, бунинг уддасидан чиқамиз.

“Жиноятдан холи ҳудуд хавфсиз ва обод бўлади”



Жобир АЛИХОНОВ, Янги Наманган туманидаги “Бунёдкор” маҳалласи раиси.

Президентнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори маҳаллаларни қўллаб-қувватлашнинг янги даврини бошлаб берди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси таъсис конференциясида иштирокчиларнинг маҳалла фаолларига мурожаати ўқиб эшиттирилди. Ушбу мурожаатда олдимиздаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, эзгу шир ва даъватларни амалий ҳаракатга айлантириш таъкидланди. Бугун шуни кувонч билан қайд этиш керакки, маҳалламизда юқорида белгиланган вазифаларнинг айримлари амалиётда қўлланилмоқда. Миллий кадрларимиздан ҳисобланган ҳашар орқали “Ҳеч

ким меҳр-эътибордан четда қолмаслиги зарур” шiori остида етим-есирлар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, яққа-ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишига айланган. Масалан, 2023 йилда 2 та эҳтиёжманд оиланинг яшаш хонадонини ҳашар йўли билан таъмирланди. Жорий йил 8 та кўчада 16 нафар кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган шахсларнинг хонадонини таъмирлаш режа қилинган. 2024 йилдан ҳар ойнинг биринчи шанбасини умумий ҳашар куни, деб эълон қилдик. Айрим маҳалла раислари иш оғирлигидан нолиганига ғувоҳ бўламиз. Менимча, ана шу раис ваколат ва ҳуқуқларини, аҳоли билан ишлашни яхши йўлга қўйиш билан. Фуқаролар йиғини таркибидagi жамоатчилик кенгашларидан самарали фойдаланмаган. Бу бўшлиқ, айниқса, нотинч, ажралиш ёқасида турган оилалар, жиноят содир этишга мойил ёки аъзолари ўз жонига суиқасд қилган, узоқ муддатга хорижга ишлаш учун кетган, жа-

зони ижро этиш муассасаларидаги фуқароларнинг оилалари билан ишлашда муаммоларни юзага келтиради. Ўзим ана шу ҳолатдан хулоса чиқариб, ажралиш, оилавий низолар масаласида, кўчалар, хонадонлар кесимидаги муаммоларни ҳал этишда кенгашлар кўмагига таянаман. Бу натижага ижобий таъсир қилмоқда. Масалан, маҳалламизда жиноят содир этишга мойил ёшлар, оилавий ажралишларнинг олдини олишда “Нуронийлар”, “Оқила аёллар” кенгаши иштирокини таъминлаганман. Бу рақамларда ўз аксини топмоқда. 2022 йилда маҳаллада 21 та жиноят қайд этилган бўлса, 2023 йилда бу рақам 3 баробарга қисқариб, 7 тани ташкил эди. 2022-2023 йилларда ажралишлар кўзатилмади. Мурожаатда белгиланган вазифалар ва яратилган имконият сабабли жорий йилда маҳалламиз барча соҳаларда ўсишга ҳаракат қиламиз. Насиб қилса, жиноятчиликдан холи, обод ва хавфсиз ҳудудга айланади.

«Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмайди»



Алишер УСТАКАРИМОВ, Оққўрғон туманидаги “Хонобод” маҳалласи раиси.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси таъсис конференциясида шахсан ўзим қатнашдим. У ерда Конференция иштирокчиларининг маҳаллалар фаолларига Мурожаатини эшитиб, ушбу мурожаат шунчаки мурожаат эмас, маҳалла фаолларига бир чақирув, “маҳалла еттилиги”нинг дастуриламал вазифасидир. Шу нуқтага назардан айтишим мумкинки, эндиликда маҳалла институтининг салоҳиятидан ҳам аҳоли муаммоларини ҳал этиш, ҳам аҳолимизнинг маънавиятини ва дунёқарошини ўзгартириш, ҳам ёшлар тарбияси билан шуғулланиш, улар билан манзилли ишлашда янгича ёндашувлар жорий этиш вақти келди. Бу борада Президентимизнинг Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасини ташкил этиш ҳақидаги Фармонида Уюшманинг 9 та асосий вазифасидан бири сифатида фуқароларнинг хонадонлари ва кўчасини озода сақлаш, миллий кадрият ва урф-одатларни ҳурмат қилишга чақириш чораларини кўриш белгилангани бежиз эмас, албатта.

Ўтган йили мамлакатимиздаги барча маҳаллалар қатори бизнинг маҳаллада ҳам “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонлари асосида ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Хусусан, маҳалладаги 17 та кўчанинг 9,4 километри асфальтланди. Натижада кўчаларимиз кенг ва раван бўлди. Бу фуқароларимиз, айниқса, кекса ва ёш болалар учун катта қулайликлар яратди. Мурожаатдан илҳомланиб, маҳалламиздаги ҳар бир кўчада навбати билан ҳашарлар ташкил этилди. Мурожаатда қайд этилганидек, маҳаллаларда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслиги зарур – етим-есирлар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотган оилалар, яққа-ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши бўлиши шарт. Бу борадаги ишларни аллақачон бошлаб юбордик. Маҳаллада яшовчи ёлғиз кексалардан икки нафарининг ҳолидан хабар олган ҳолда, бир нафар эҳтиёжманд оилада

ҳашар ўтказдик. Томорқа ер майдонини шудгорлаб бердик. Хонадонининг таъмиртаб жойларини таъмирладик. Мурожаатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўзимга режа қилиб олдим. Жумладан, бу йил маҳалла аҳли билан бирга, асфальт қилинмаган 3,2 километр ички кўчаларимизни асфальтлаш, 40 та бетон устунлар ўрнатиш, электр энергияси қувватини ошириш учун 210 та ҳўжаликка битта трансформатор қўйиш, ичимлик сув минорасини ўрнатиш ишларини бажарамиз. Бу йўлда Президентимизнинг фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар устуворлик касб этади. Юртбошимиз қайд этганидек, “Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир”. Бу фикрлар ҳар бир маҳалла фаолининг кундалик ишорига айланиши, зиммасидаги масъулиятни янада ошириши тайин.

“Китобхонлик маданияти маҳаллада шаклланади”



Мунира ҚАҲҲОРОВА, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси таъсис конференцияси иштирокчиларининг маҳаллалар фаолларига Мурожаатида маҳалла ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда муаммоларни мутасадди ташкилотлар бартараф этиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлиги, ёшларнинг “онлайн кимор”, “тармоқдаги ўғирлик”, фирибгарлик каби иллатларга берилиб, жаҳолат қурбонига айланишига йўл қўймаслик, тўй-ҳашамлардаги дабдабозлик, исрофгарчиликка чек қўйиш кераклиги борасидаги ишларни жаддаллаштиришга чорлов бор. Мурожаатда маҳаллалардаги жамоатчилик тузилмалари, “Маҳалла назорати” ва “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоларини эзгулик ва яхшилиқка даъват этиб, бу ишга ортдан одамларни эргаштира оладиган маҳалла фаолларни жалб этиш зарурли-

ги таъкидланган. Шу ўринда, халқимиз севиб томоша қилиб келган “Суюнчи” фильмидаги “қишлоқнинг виждони” таҳаллусини олган Анзират буви ёдимизга келади. Ёшларга тарбия беришда, маҳаллани обод қилишда, аҳолига ёрдам қилишда ва кўни-қўшнилар билан ахил-иноқ бўлишда ибрат бўлган эди. Мурожаатдан келиб чиқиб, айрим масалаларни таклиф қилишни ўринли деб ҳисоблаймиз: **биринчидан**, маҳаллада китобхонлик маданиятини шакллантириш зарур. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказиб, шу асосда ҳар бир маҳалла кутубхонасини турли мазмундаги китоблар билан бойитиш мумкин; **иккинчидан**, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, ажралиш арафасида турган ва эҳтимоли юқори бўлган оилалар билан ишлашда оила аъзоларининг ёшига қараб, психологик тре-

нингларни ташкил этиш зарур. Мазкур йўналишда дин психологларини кенг жалб этиш муҳим ҳисобланади; **учинчидан**, маҳаллаларда миллий кадрларни аҳоли ва ёшлар онгига синдиришда тарғиботнинг энг таъсирчан усулларидан кенг фойдаланиш зарур. Ўзининг миллий урф-одатини билмаган кишини маънан баркамол одам деб бўлмайди; **тўртинчидан**, аҳолини ташки ва ички таҳдидлардан асраш ҳамда унга қарши мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган амалий тадқиқотлар ўтказиш зарур. Мазкур тадқиқотлар аҳолининг мафқуравий иммунитетини оширувчи лаборатория вазифасини ўташи лозим. Масалан, маҳаллаларда жойлашган маданият масканлари, кино уйлари, мактаб ёки бошқа муассасаларда таъсирли фильм намойишларини тез-тез ташкил этиш мумкин.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари тайинланди

- Сағиндиқ ТУРМАНОВ**, Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи
- Махамаджон НИШОНОВ**, Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи
- Муроджон УМАРОВ**, Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи
- Бахтиёр СОАТОВ**, Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи
- Долли АЛЛАЕВ**, Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи
- Ғофир АЛИЕВ**, Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи
- Илхомжон ИКРОМОВ**, Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи
- Шерали ЙЎЛДОШЕВ**, Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи
- Ойбек КАРИМОВ**, Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи
- Шерпўлат БОЙҚУЛОВ**, Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи
- Шухрат ҲОШИМОВ**, Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи
- Адхам ЗИЯВИТДИНОВ**, Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи
- Одилбек АРТИҚОВ**, Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи
- Фурқат МАҲМУДХЎЖАЕВ**, Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

ВАЗИЯТ

“Боқиманда кайфиятдан қутилиш қийин бўляпти”

Маҳалламиз Хатирчи тумани марказидан 50 километр узоқликда, пурвиқор тоғлар орасида жойлашган. Бир вақтлар бу ҳудуд жуда машҳур бўлган. Ишламоқчи бўлган киши борки, “Лангар”даги кон ва корхонага ишга келган. Инфратузилма яхши эди. Уша пайтда 2-3, ҳаттоки 5 қаватли уйлар қурилган. Кейинчалик саноат корхонаси фаолияти тўхтатилди, кўпчилик ёшлар бошқа ҳудудларга ишлагани кетишти. Шу-шу анча йиллар давомида маҳалла эътибордан четда қолганди...



Сектор раҳбарига қилинган мурожаатлар асосида ҳудуд “Обод қишлоқ” дастурига киритилди. 3 010 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада ижтимоий соҳа объекти қайта таъмирланди, кўчалар тартибга келтирилди. Янги йўллар, замонавий объекти қурилди. Узоқ йиллар давомида аҳоли ичимлик сувни Лангар шаршарасидан ташиб ичарди. Мазкур сув манбасидан хонадонларга қадар қувур тортиб келинди. Шунингдек, мактабга таълим муассасаси янгидан қурилди, 58-мактабда мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 37-мактабга қўшимча 180 ўринли янги ўқув биноси қуриб берилди. Қишлоқ врачлик пункти қайта реконструкция қилинди. Хуллас, маҳаллада аҳоли фаровонлиги учун

барча ишлар амалга оширилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш — доимий эътиборда. 645 та оила истиқомат қиладиган маҳалланинг “драйвери” — чорвачилик ва туризм. Утган давр мобайнида ҳоким ёрдамчиси Мирзохид Қодиров кўмағида 32 нафар фуқарога тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредитлар расмийлаштирилди. “Навоий баракча чеварлари” тикув мажмуаси ишга туширилиб, 50 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Субсидия асосида “Аёллар дафтари”да турувчиларга тикув машиналари олиб берилди. Туризмни ривожлантириш йўналишида 14 та дам олиш маскани фаолияти йўлга қўйилиб, оилавий уй меҳмонхоналари ташкил этилди.

2023 йилда 2 та оила ажрашди. Хар иккисига қайнона-келин келишмовчилиги сабаб бўлди. Моддий қийинчилик, ёшларнинг ҳаётга тайёр эмаслиги, ўзаро бир-бирини тушунмаслиги сабабли келиб чиққан низолар туфайли ажралиш ёқасига келган 10 та оилани отиноийлар, имом-хатиблар, нурунийлар кўмағида яраштирдик. Қолаверса, утган йили 3 та жиноят рўйхатга олинди.

Бизни одамларнинг боқимандалик кайфияти қийнаб қўймоқда. Маҳалла олис ҳудуд тоифасига киргани боис ҳокимлик ёқилғи, озиқ-овқат ва бошқа масалаларда кўмак беради. Афсуски, айрим оилалар ана шу ёрдамга “кўз тикиб қолган”. Улар меҳнат лаёқатига эга, билаги куч-қувватга тўла бўлса-да, пешона тери ортидан эмас, давлатнинг кўмағи билан кун кўришни касб қилиб олган. Ёрдам бермасангиз, устингиздан порталга, ҳокимликка арз қилишни айтади. Қанча тушунтирманг, фойдаси бўлмайди.

Порталга ёзади, юқорига арз қиладди, кейин нима бўлади? Мисол учун, кимдир бола пулини олмаса, нафақа тайинланмаса, ҳокимликка боради. Масъул шахс унинг аризасини олар экан, мурожаатчининг олдида маҳалла раисига кўнғирок қиладди ва масалани ҳал қилиш кераклигини айтади. Ўз-ўзидан аризада “маҳаллада имконият бор экан, менга ёрдам бермаяпти” деган фикр шаклланади. Энди ўзингиз айтинг, ижтимоий нафақаларни маҳалла тайинламаса, моддий ёрдам ажратишга ҳисобидан пул бўлмаса, маҳалла қандай ёрдам кўрсатсин?

Худди шундай, порталга бўлаётган мурожаатларни олинг. Боқиманда, туну кун уйда бекор ўтирадиган, “мени, керак бўлса, давлат боқади” деган кайфиятдаги одамлар порталга тинимсиз арз қиладди: “маҳалла менга ёрдам бермаяпти, мен ёлғизман, оч қолдим, ҳеч ким ҳолимдан хабар олмайди”. Мурожаат асосида тегишли ташкилот вакиллари маҳаллага келади, ҳолатни ўрганади. Бироқ охирида аризани “ёпиш” учун яна барча айбни маҳаллага юклаб кетишади. Хўш, бу ҳолатда раислар дардини кимга айтсин?

Истардикки, юқоридаги каби ҳолатларда барча масала маҳалланинг ўзида ҳал этилсин! Маҳалла кимнинг қандайлигини, оилавий шароити қай ҳолатда эканини билади. Шунга кўра, уларга қўлдан келгунча кўмак беради. Порталга ёзаётганлар мурожаати ўрганилар экан, кўнғирок қилиб ёки маҳаллага келиб, раисларни овера қилгандан, вақтни йўқотгандан кўра, маҳалла хулосаси асосида қарор қабул қилинсин.

Анора МАДАТОВА,
Хатирчи туманидаги
“Лангар” маҳалласи раиси.

ФИКР

“Кўчабоши, уйбошилар қачон рағбат олади?”

Маҳалламиздаги 1 490 та хонадонда жами 4 800 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладди. Сектор раҳбарига маҳаллага тааллуқли 5 та масалада мурожаат қилдик. Шу асосда симёғочларни алмаштирдик, иккита хонадонда таъмирлаш ишлари бажарилди, 2,5 километр йўл капитал таъмирланди, 800 метри асфальт қилинди, 3 километр ичимлик сув қувури тортилди.



Президент ташаббуси билан ажратилган 500 миллион сўм маблағ эвазига ҳудудга видеокузатув камералари ўрнатиш, учта чиқинди ташлаш жойини қуриш, кўчаларга тезликни пасайтирувчи қурилмалар ўрнатиш, иккита воркаут майдони бунёд этиш, 2 та болалар майдончасини таъмирлаш, маҳалла биносининг коммунал тизимини яхшилаш кўзда тутилган. Хозирда янги маҳалла биноси қуриляпти, шу вақтгача мактабда фаолият юритардик. Жиноятчилик масаласида “яшил” тоифадамиз. Бунда 21 та кўчага бириктирилган кўчабошиларнинг ҳиссаси катта. Улар ҳар бир хонадон вакиллари билан доимий мулоқотда. Битта низоли оила бор, оила бошлиғи ичкиликка берилган. Уни 6 ой давомида давлатдаги, ишга жойлаштирдик. Хозирда ҳолат бирмунча ижобий томонга ўзгарган.

Утган йили битта ажралиш ҳолати кузатилди. Бунда битта хонадонда учта ҳужалик яшагани боис келишмовчиликлар бўлиб турган. Маҳалла аралашуви билан бу оилани қайта тикладик, улар ҳозир бирга яшаляпти. Оилага алоҳида ижарага уй олиб бердик, ижара ҳақини тўлаши учун оила бошлиғини ишга жойлаштирдик. Таклифлар масаласига келсак, бизга

масъул қотиб керак. Етти нафар ходим етти жойга чиқиб кетамиз. Мажлислар, жанжалли ҳолатлар, тўй-маъракаларда вақтимиз кетади. Бу пайтда идорада ишлар ўз маромида кетиши, маҳаллага келиб-кетувчилар рўйхатга олиниши, ҳужжат ишларини юритиш учун алоҳида ходимга эҳтиёж бор.

Яна бир гап: кўчабоши ва уйбошиларнинг нуфузини ошириш керак. Бойси оилалардаги мавжуд ҳолат, уларнинг муаммолари, ҳудуддаги камчиликлардан айнан улар орқали доимий хабардор бўламиз. “Жамоатчилик асосида” деган сўзлар билан уларни шунчаки ишлатиб бўлмайди. Уларнинг ҳам рўзғори бор, ташвишлари етарлича. Маълумки, Хукумат қарори билан фаол кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириб бориш тартиби йўлга қўйилган. Бироқ шу тизим тўлиқ ишлаб кетмади. Истардикки, маҳалла ишида фаол қатнашаётган кўчабоши ва уйбошиларга аниқ белгиланган миқдорда устама ёки ойлик маош тўлаб берилса. Бу — уларнинг масъулиятини ошириб, маҳалла ишини жонлантирарди.

Осербай ОДИЛОВ,
Нукус шаҳридаги
“Дўстлик” маҳалласи раиси.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Ёш оилаларга гаровсиз кредит берилди

Отқул МУҲАММАДИЕВ,
Чилонзор туманидаги
“Кичик Хирмонтепа” маҳалласи раиси:

— Маҳаллада ёш оилалар кўп, уларга имтиёзли кредит асосида уй олишига қўмақлашамиз. Янги турмуш қурган ёшларга ўз хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратилар экан. Шу ростми? Уни қимлар олиши мумкин?

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Хукуматнинг тегишли қарори билан тасдиқланган «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг яққа тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан, бу тоифадаги ёшларнинг яққа тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш тартиби белгиланган.

Кредит қуйидаги шартлар асосида ажратилади:

- бозор ставкасида миқдор хоҳишига кўра 6 ой имтиёзли давр билан;
- 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга;
- бошланғич бадали яққа тартибдаги хонадонда қўшимча қуриладиган уй-жой қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда.

Шунингдек, қарз олувчи қуйидаги мувофиқлик мезонларига мос бўлиши лозим, жумладан:


- ☑ кредит олиш учун мурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган бўлиши;
- ☑ “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг янги турмуш қурганлари (никоҳи қайд этилганга 3 йилдан ошмаган бўлиши лозим);
- ☑ даромад манбаларига, шахсий ёрдамчи ёки дехқон ҳўжалигидан ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан доимий даромадга эга бўлиши.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Бола пулини олувчилар сони ошади...(ми?)

Ҳилола РЎЗИМУРОВА,
Навоий шаҳридаги
“Зиёкор” маҳалласи раиси:

— Куни кеча *Статистика агентлиги 2023 йил бўйича Ўзбекистон аҳолисининг умумий даромадлари ва минимал истеъмол харajatларига оид маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, мамлакатимизда камбағаллик чегараси 621 минг сўм этиб белгиланди. Айтишчи, бу сумма болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчиларга қандай таъсир қўрсатади?*



Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Дарҳақиқат, 2024 йил учун ҳисобланган минимал истеъмол харajatлари қиймати бир ойда киши бошига 621 минг сўм этиб белгиланди. Мамлакатда камбағаллик чегарасини аниқлаш мақсадида фойдаланиладиган кўрсаткич утган йилга қараганда 9,3 фоизга ошган (сўнги марта 2023 йил июль ойида 568 минг сўмгача оширилган).

Жаҳон таърибисидан минимал истеъмол харajatлари кўрсаткичидан камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, мазкур кўрсаткичдан:

- давлатнинг моддий ва бошқа ижтимоий кўмақларига муҳтож аҳолининг мақ-



садли (таргет) гуруҳини аниқлаш;

- мамлакатнинг камбағаллик чегарасини белгилашда фойдаланиш ва бунда таргет гуруҳдаги аҳолининг реал истеъмол хусусиятлари ва талабларини инобатга олиш;
- камбағалликка қарши курашиш стратегияси ва дастурларида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳамда манзиллигини ошириш, шунингдек, уларнинг доимий мониторингини юритиш;
- пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек, камбағал оилаларга бериладиган бошқа турдаги моддий кўмақларни кўрсатишда мезон сифатида фойдаланилади.

Юқоридагиларга кўра, мисол учун, Сиз

қайд этган — болалар нафақаси ва моддий ёрдамни олиш олдингига қараганда нисбатан осонлашди. Нега? Хукуматнинг тегишли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимини орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, оилага бола пули ёки моддий ёрдам тайинланиши учун 2022 йилдан бошлаб — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харajatлари миқдоридан ошмаганда “кам таъминланган” деб эътироф этилиши ва шунга кўра, уларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам берилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бу дегани энди фуқаролар болалар нафақаси ёки моддий ёрдам пулини олиш учун ариза берганда, уларнинг ҳар ойлик жами даромади киши бошига бўлиганида 621 минг сўмдан ошмаса бўлади. Ўзгариш жуда катта даражада эмас, лекин кўпчилик оилалар даромади белгиланган мезондан ошиб кетгани сабабли аризаси ижтимоий нафақаларни олиш учун тўқсинлик қилган бўлса, энди минимал истеъмол харajatларининг янги миқдоридан келиб чиқиб, қайта ариза топшириб қўришлари мумкин.

Маълумот учун, 2022 йилда йил миқдорда минимал истеъмол харajatлари қиймати 498 минг сўм этиб белгиланган, 2021 йилда бу кўрсаткич 440 минг сўмни ташкил этган.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

“Оқсоқол”, деб эмас, “раис” деб атанг!

2023 йил 6 майда Президент имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритилган.

Унга кўра, қонун ҳужжатларида келтирилган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)” жумласидаги “оқсоқоли” сўзи чиқариб ташланди. Жумладан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”даги, “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Оила кодексининг тегишли моддаларида келтирилган “оқсоқоли”,

“оқсоқоллари” жумлалари эндиликда қўлланилмайди. Айтиш керакки, мазкур жумла анча вақтдан бери муҳокамалар марказида бўлиб келаётган. Зеро, авваллари қишлоқ ва маҳалла раислари лавозимига, асосан, ёши улғунсонлар номзоди илгари сурилган. Шунга кўра, узоқ йиллардан бери маҳалла раислари “оқсоқол” деб номланиб келинган. Соҳани тартибга солувчи

қонунларга “оқсоқол” тушунчаси киритилган. Бироқ ҳозирги вазият бошқача: фуқаролар йиғини раиси лавозимларида кўплаб хотин-қизлар ва ёшлар фаолият юритиб келяпти. Қисқа қилиб айтганда, расмий ҳужжатларда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)” шакли эмас, “Фуқаролар йиғини раиси” шакли қўлланилади. Маҳалла раисларига нисбатан “оқсоқол” сўзи ишлатилмайди.

ТАКЛИФ

“Томорқадан барча бирдек фойдалана олмаяпти...”

Худудда 840 та хонадон бўлиб, 2023 йил давомида 15 та эҳтиёжманд ва камбағал оила рўйхатга олинди. Ҳомийлар кўмагида барчасига моддий ёрдам кўрсатилди. Одинахон Аҳмадалиевнинг уй-жойи замонавий усулда таъмирлаб берилди. Шунингдек, 30 нафар ишсиз фуқаронинг 28 нафари ишга жойланди. Мигрантлар билан ишлаш тажрибамиз вилоятда оммалашди. Яъни маҳалла темирчилик соҳасига ихтисослашиб, фуқаролар хорижда эмас, ўз уйларида иш билан банд бўлмоқда.



Бу ерда темирчилик йўналишида ўзига хос тадбиркорлик муҳити шаклланди. Темирчи қайта ишлаш ва темирга ишлов бериш бўйича республикада алоҳида ўринга эга. Хонадон эгаларининг 300 дан ортиғи темирчилик билан шуғулланиди. Бугунги кунда 1 300 нафардан зиёд аҳоли ўз хонадонидан айнан шу фаолият билан банд. Улар томонидан асосан темир контейнерларни қайта ишлаб, уй-рўзгор, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, республиканинг

барча худудига етказиб берилмоқда. Маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси билан қарийиб 7 гектар майдонда “Темирчилик санаят зонаси” ташкил этилмоқда. Унда 123 та ишлаб чиқариш объекти, 30 та савдо дўкони ташкил этилиб, 100 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Лойиҳа ишга туширилгач, мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Хонадонларнинг барчасида томорқа бўлса-да, ундан фойдаланиш самарадорлиги яхши, дея олмай-

ман. Дехқончилик маҳсулоти экиб, даромад топиш кўрсаткичи паст. Ўтган йили 100 та оила томорқа орқали ўзини ўзи банд қилишига эришди.

Оилавий ажралишларнинг олдини олиш даражаси бўйича 2 йиллик таҳлилга кўра, энг намунали маҳалламиз. 2022-2023 йилларда фарзандсизлик сабаб фақат 2 та ҳолат қайд этилган. Бунда хотин-қизлар фаоли ташаббуси билан отин-ойилар, нуронийлар иштирокида тарғибот тадбирлари яхши самара берди. Худудда нотинч оилалар йўқ. Ўз навбатида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар натижасида “яшил” тоифадаги худудлар қаторидан жой олганмиз. Ўтган 2 йилда 2 та ҳолат кузатилган. Ҳар иккиси йўл транспорт ҳодисаси. Аввалроқ жиноят содир этиб, 2023 йилда озодликка чиққан Дилмуҳаммад Муҳаммаджонов, Бурҳон Имомалиев ҳозирда доимий иш билан таъминланган, уларга мураббий бириктирилган.

Аҳоли спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Спорт майдони бор. Аммо айрим спорт турларини омалаштириш учун ёпиқ майдонга эҳтиёж мавжуд. Бу масалани туман мутасаддиларига айтганмиз. Майдон учун ер бор, тадбиркор топганмиз. Фақат туман ҳокимлиги қарор асосида шу ерни ажратиб берса бўлди. Ёшларимиз “Беш ташаббус олимпиадаси”да 9 та спорт тури бўйича фаол қатнашиб келмоқда. Бундан ташқари, маҳалладан халқаро мусобақа фолиблари чиққан. Масалан, Муҳаммадқодир Расуллов юнон-рум кураши бўйича 2023 йил Қозғистонда ўтган мусобақада чемпион бўлди. Намоз Эргашев аралаш жанг санъати бўйича Бирлашган Араб амирликларида ташкилланган Осмё чемпионатида 2-ўринни олди.

Бойқўзи ҒАНИЕВ,
Бувайда туманидаги “Дехқонобод” маҳалласи раиси.

Тахририятдан: Маҳалла раисининг тавсияси билан фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кредит ажратилиши бўйича ҳоким ёрдамчиси Шохаббос Собиржонов билан боғландик. Мазсўннинг айтишича, 2023 йилда кредит сўраб, 91 нафар талабгор ариза берган. Уларнинг 32 нафарига 822 миллион сўм маблағ ажратилган. 40 нафарининг аризаси мақсадсиз бўлган, 19 таси лимит тўлаб қолгани учун рад этилган. Мана шу жараёндан келиб чиқиб, ҳоким ёрдамчиси маҳаллаларга кредит шикдорини ошириш таклифини берди. Шунингдек, муаммоли кредитлар юзага келишининг олдини олиш учун қафиллик жорий этилиши лозимлигини таъкидлади. Маҳаллада ҳозир 9 та муаммоли кредит бўлиб, ундириш жуда қийин кечаяпти. Айниқса, аввалги ҳоким ёрдамчиси Абдураҳмон Аҳмамов ўшлай турган пайтда ўзига, аёли ва қариндошига, жами 66 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тўламай келяпти экан.

САРҲИСОБ

Масъул ташкилотларга мурожаатлар йўланди

Бугунги кунда худуддаги 10 та кўча 651 та хонадонда 3 744 нафар фуқаро истиқомат қилади. Жорий йил биз учун қувончли бошланди. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал этилиши режалаштирилди.



Бошланган ишлар якунига кўра, маҳалладаги ички йўллари шағаллаштириш, мактаб болалари ва аҳоли учун пиёдалар йўлакчаси барпо этиш, тунги ёритиш чироклари ўрнатиш, электр таъминоти тизимини яхшилаш, аҳолини тоза ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва янгидан ичимлик сув тармоқлари ётқизиш ишлари бажарилиши кўзланган. Хусусан, туман электр таъминоти корхонаси 3,6 км. масофада ҳаво тармоғи тортиш, темир-бетон устун ва 2 донна трансформатор ўрнатиш ишларини режалаштирган. Бундан ташқари, маҳалланинг 6 км.дан ортиқ йўли тўлиқ асфальтлаштирилди. 2 км.га яқин ички кўчаларга шағал ётқизилди. Ҳозирда амалий ишлар бошланди.

Ўтган йилги натижага назар солсак, “Бешик” ходимлари ҳаракати билан 6 та эҳтиёжманд оила аниқланиб, моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Яшаш шароитини яхшилаш мақсадида уй-жойини таъмирлаш бўйича таклиф ишлаб чиқилди. Масалан, Назира Турдиқулова бир нафар фарзандини ёлғиз тарбиялаётган оналардан. Турмуш ўртоғи билан ажрашгач, ота уйига келиб яшашга мажбур бўлди. Ўтган 2023 йилда қариндошлари кўмагида кичикроқ бўлса ҳам уй кўтариб, ўз хонадонига эга бўлди. Лекин ҳали унинг талай камчиликлари мавжуд. 2023 йил сўнггида Шароф Рашидов туман солиқ инспекцияси бошлиғи, 4-сектор раҳбарининг сайёр қабулида уйни газлаштириш учун темир қувурлар олишда кўмаклашишни сўраб мурожаат қолдирган эди. Ушбу мурожаат масъуллар томонидан ўрганиб чиқилгач, янги хонадонини газ тармоғига улаш учун 100 метр темир қувурлар зарурлиги маълум бўлди. Бугун ҳомийлар кўмагида 4-сектор масъуллари ушбу мурожаатни тўлиқ қаноатландирди. Газ қувурлари келтирилиб, мурожаат ижобий ҳал этилди.

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида келиб тушган 125 та аризининг 105 таси қаноатландирилди. 25 нафар талабгор мақсадсиз маблағ сўрагани учун аризаси рад этилди. Қувонарлиси, 105 нафар кредит олганлар ўзини ўзи банд қилди. Шунингдек, 32 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. 3 та муаммоли кредит бор. Йил бошидаги ҳатловда 18 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. Ҳозирда 12 нафари ишга жойланди. 6 нафари таклиф этилган ишни рад этди. Хорижга меҳнат миграциясига кетган 8 нафар фуқаро бўлиб, 6 нафари бандлиги таъминланганми. Аммо машо камлиги учун яна хорижга кетиб қолди. Ишсизликнинг олдини олишда томорқа орқали ўзини ўзи банд қилганлар улуши ортиб бормоқда. Юқорида айтганимдек, 651 та хонадон бўлса, шуни 500 тасида томорқа бор. Уларнинг 180 таси ўзини ўзи банд қилган. Оилавий ажралиш, нотинч оилалар йўқ. Жиноятчилик 2022 йилга нисбатан камайди. 2023 йилда 2 та ҳолат қайд этилган бўлиб, “яшил” тоифага киритилди.

Аҳоли мурожаатлари асосида белгиланган масалаларни ҳал этишда сектор раҳбари, масъул ташкилот ва корхона вакиллари сайёр қабулларда ҳал этиб бормоқда. Масалан, кунчи кеча 51-мактабда ўтган вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбарининг сайёр қабулида туман халқ қабулхонаси мудири, туман ҳокими ўринбосари ҳамда солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари томонидан фуқароларнинг мурожаати тинилганди. Жумладан, 500 метр масофада маҳалла худудидан ўтган газ қувурларини алмаштириш, аҳоли хонадонларининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда кўмаклашиш, болалар боғчаси очиш, мактаб учун ёпиқ спорт мажмуаси қуриш, ижтимоий дорихона учун ер майдони ажратиш каби мурожаатлар келиб тушди.

Содиқ ҚҮРБОНОВ,
Шароф Рашидов туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласи раиси.

ҲОЛАТ

“Муаммоли кредитлар сони ортиб кетяпти...”

Маҳалламизнинг 2023 йилдаги натижасига тўхталишдан аввал қувончли воқеани айтиб ўтишим ўринли. Яқингача йўлнинг ўз биноси бўлмагани учун ижарама-ижара ишлаб юрардик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 31 йиллиги байрами арафасида янги бино фойдаланишга топширилди. Уч қаватли, 6 та тураржойдан иборат замонавий бинони тадбиркор Зухриддин Отаев 3 млрд. сўм маблағ эвазига қуриб, битказди. Мазкур бинонинг биринчи қаватида арзонлаштирилган дорихона, маиший техника маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон ўрин олган бўлиб, 25 та янги иш ўрни яратилди.



Бундан ташқари, узоқ йиллик муаммолар ечим топди. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида маҳалладаги 724 та хонадонда яшовчи 3 747 нафар аҳолининг розилигини таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Бунинг учун 9,2 млрд. сўм маблағ сарфланди. 4 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, 724 та хонадонда тоза ичимлик сув таъминоти яхшиланди. 150 та бетон таянч, 1 та 250 кВт. қувватга эга бўлган трансформатор пункти ўрнатилди, 3 та трансформатор пункти мукамал таъмирланди, 3 км. ҳаво тармоғи тортилиб, сифатли электр билан таъминлаш имкони яратилди. 5 та

кўчада 3 км. йўл шағалланди, 3,5 км. асфальтланди. 2023 йилда жами 132 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, барчасининг бандлиги таъминланди. Узоқ муддатга хорижга ишлашга кетганлар 75 нафарни ташкил этиб, бугунги кунда уларнинг 50 нафари оила бағрида қолди. Хоҳишига кўра, кредит, субсидия ва 15 сотихдан ер ажратилди. 70 нафар фуқарога субсидия асосида 90 турдаги 300 млн. сўмлик ускуна ва жиҳозлар берилди.

Ўтган йилги кўрсаткичга кўра, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида 40 нафар фуқаро ариза берганди. Талабгорларнинг 15 нафари кредит олди. 25 та ариза “Онлайн маҳалла” платформасидан рўйхатдан

ўтмади. Афсуски, 6 нафар кредит эгаси уни қайтаришга қийналмоқда. Натижада муаммоли кредит юзага келмоқда. Масала алоҳида ўрганилганда маблағдан тўғри фойдаланмагани, бизнес режа нотўғри тузилгани, шароит ҳисобга олинмагани аниқланди. Ўтган 2 йилда шундай энг кўп кредит ва субсидия ажратган маҳалла бўлди. Яъни, 70 нафар талабгорга кредит, яна шунча субсидия берилди. Иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлашда аҳоли томорқасидан самарали фойдаланмоқда. Жами 48,9 гектар ер майдони бўлса, шуни 23 гектари томорқа ҳисобланади. 724 та хонадон эгасидан 20 нафари томорқа орқали ўзини ўзи банд қилган.

Маҳаллада ажралиш кузатилмади, нотинч оилалар йўқ. Жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ҳаракатларимиз боисидан йилдан-йил натижа яхшилланмоқда. 2022 йилда 2 та жиноят содир бўлганми. 2023 йилда 1 ҳолат кузатилди. Шу боис “Яшил” тоифадаги маҳаллалар орасидан жой олганмиз. 15 нафар жиноят содир этиб, жазони ижро этиш муассасасидан қайтганларнинг барчаси ишга жойланди.

Мухторжон МҲЙДИНОВ,
Йўчи туманидаги “Тулзор” маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

“Тиббий хизмат учун узоққа қатнаямиз...”

Ҳар бир ҳаракатимиз асосида оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга эришиш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатини ҳимоя қилиш, муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ётибди. 2023 йилда ишимизни мана шу мезонлар асосида ташкил этдик. Ҳатловда 20 нафар фуқаро “Темир дафтар”, 140 нафар фуқаро “Аёллар дафтари”, 102 нафар фуқаро “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинди. Уларнинг 251 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Афсуски, “Темир дафтар”даги 11 нафар фуқарога зарур ёрдам кўрсата олмадик.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ўтган йилги маълумотларга кўра, 170 нафар фуқаро кредит олиш истагида ариза билан мурожаат қилди. Уларнинг 60 нафарига тавсиянома берилди. Аммо 110 та ариза турли сабаблар билан рад этилди. Бир қисми кредит маблағи етмагани учун 2024 йилда қолиб кетди. 2023 йил учун жами 850 миллион сўм маблағ ажратилганми. 2023 йилда берилган кредитни сўндиришда муаммо кузатилмапти. Фақат 2022 йилдагина тўлашда узилиш бор. 5 та фуқаро ана шу тарзда банкдан қарздор бўлиб қолган. Улар қорва-чиликни ривожлантириш учун пўл

олиб, қўй харид қилганди. Афсуски кўйлар нотўғри парвариш сабабли нобуд бўлди.

Аҳолини иш билан таъминлаш учун ўтказган ҳатловда 115 нафар ишсиз рўйхатга олинди. Уларнинг 50 нафари иш билан таъминланди. 30 нафари касб-хўнара мактабларида ўқитилди. Қолганларини ўзини ўзи банд қилиш чораси кўриляпти. Худуддаги яна бир оғирлиги масала мигрантлар билан ишлашда кўзга ташланмоқда. Ҳисоб-китобга кўра, 120 нафар мигрант бор. Афсуски, уларни ўз уйда, маҳаллада олиб қолиб, бандлигини таъминлай олмаямиз. Таклиф этган иш ўринлариди ойлик мигрантларни



қониқтирмапти. Хорижга ишлаш учун кетаётганлар қора ишчи бўлмағлиги учун касб-хўнара ва тилга ўргатилмоқда. Ҳозир ана шундай маҳалладошимизнинг 10 нафари касб ва тилни ўзлаштирмоқда.

Маълумки, иш ўринлари яратиш ва бандликни таъминлашда томорқадан самарали фойдаланиш муҳим. Шу боис худудда томорқачиликка катта эътибор бе-

рилган. Жами 650 та хонадоннинг 600 тасида томорқа бор. Айни пайт уларнинг 20 тасида оилалар ўзини ўзи банд қилган.

Маҳалладаги маънавий муҳит барқарорлиги оилалар тинчлиги ва мустақамлиги билан ўлчанди. 2023 йилда 4 та оилавий ажралиш қайд этилди. Бу ўтган йилга нисбатан кам бўлса-да, бизни ташвишга солмоқда. Шу боис хотин-қизлар

фаоли ташаббуси билан отинойи, қайови отахон-онахоналар иштирокида тадбирлар ўтказилмоқда. Афсуски, жиноятлар сони билан мактана олмаймиз. Ўтган йили 5 та салбий ҳолат қайд этилгани учун “сарик” тоифага киритилди. Шу кунларда Жўрабек Ўринбоев жазони ўтаб қайтди. Уни тўғри йўлга тушиб олишига кўмаклашиш мақсадида профилактик суҳбат ўтказдик. Даволаниши учун йўлланма берилди. Қайтгач, томорқада ўзини

ўзи банд қилишига келишиб олди. Аҳоли спортга қизиқмади. Аммо бунинг учун шароит етишмапти. Спорт майдонимиз йўқ. Тўғараклар ташкил этилиб, мактаб спорт залида машғулот олиб борилади. Айниқса, эркин кураш ривожланган. Яна бир муаммо электр ёғоч устунларни бетон устунларга алмаштириш керак. Табиий газлаш-часининг қуввати кичик бўлгани учун 6 та кўчага табиий газ этиб бормаяпти. 2023 йилда “Сирож Нодир ҳамкорлиги” масъулияти чекланган жамияти ичимлик сув тармоғи тортиб берганди. Аммо ишлар чала бажарилгани учун камчилик келиб қикди. Шу муаммони тўғрилади керак. Масала юзасидан вилоят сувоқова ҳамда МЧЖ раҳбариятига мурожаат қилганмиз. Бундан ташқари, қишлоқ шифокорлик пунктига эҳтиёж бор. Аҳоли тиббий хизматдан фойдаланиш учун 4-6 км. узоқликка қатнашга мажбур бўлмоқда.

Рустам БОЙБЕКОВ,
Боёвут туманидаги “Бекат” маҳалласи раиси.

НИГОХ

“Ҳамма ўз ишида банд, кўшимча даромад нақд”

Маҳаллада тадбиркорлик, чорвачилик ва боғдорчилик кенг ривожланмоқда. Тадбиркорлик йўналишида савдо-сотиқдан ташқари, қандолатчилик, нон ва нон маҳсулотлари, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, тикувчилик ва хўжалик қозғалари ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, меҳмонхона, тамаддиҳона, курилиш моллари дўкони, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Темирчилик, тунукачилик билан шуғулланаётган оилалар кўп.



Аҳолининг 60 фоизда чорва моллари бор. Ҳар бир хонадонда 11 тагача қора мол, 20 тагача қўй, ўнталаб товуқ боқилади. Булар оилага кўшимча даромад келтирмоқда. Шу тариқа маҳаллада ҳамма ўз иши билан банд.

Маҳаллада деярли ишсизлар йўқ. Кўп тармоқли тадбиркор Оллоберган Матёкубовга қарашли корхоналарнинг ўзида икки юз нафардан ортиқ фуқаро доимий иш ўрнига эга. Шунингдек, гўшт етиштиришга ихтисослашган бешта паррандачилик фермаси ҳамда иккита балиқчилик хўжалигида юзлаб аҳоли бандлиги таъминланган. Худудда хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида бўш ер майдонлари аукционга қўйилмоқда. Ҳозирда учта тадбиркор ўз фаолиятини бошлади.

Утган йили 135 нафар ишсизнинг ярми тумандаги гул қоғоз ҳамда Питнак шаҳридаги автомобиль ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаштирилди. Қолган қисми кредит олиб, ишлаб чиқариш соҳаларида банд этилди. Миграциядан қайтарилган 37 нафар фуқаро даромадли бўлди.

Қолаверса, маҳалла худудиди Янги Ўзбекистон массивининг барпо этилиши натижасида кўплаб ишсиз фуқаролар иш билан таъминланмоқда. Улар ойига 5 миллион сўмгача ойлик олишапти. 2025 йилгача давом этадиган курилиш ишларида 45 та кўп қаватли уй курилиши белгиланган. Утган йили уларнинг 12 таси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда янги уйларда 300 та хўжалик яшамоқда.

Маҳаллада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида 360 ўринли янги боғча ҳамда оилавий поликлиника курилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда газ, электр энергиядан муаммо йўқ. Аҳолининг 97 фоизи ичимлик сув билан таъминланган. 3 километр йўл бетон қилиниб, тунги ёриткич чироқлар ўрнатилди. Жорий йил яна 2,5 километр йўл асфальтланади.

Худудда боғлар кўп. 17 та боғдорчилик хўжалигида узум, олма, ўрик ва олча етиштирилмоқда. Узумнинг катта қисми Россияга экспорт қилинса, қолган мевалар республика ва маҳаллий бозорларга чиқарилади. “Яшил макон” умумий миллий лойиҳаси доирасида боғбонлардан кучат олинди, экилди.

Яна бир тажриба, маҳалла идораси олдида 3 сотихли кичик боғ ташкил этилган. Унинг атрофи манзарали дарахтлар билан ўралган бўлса, ўртасига узум, беҳи, олма экилган. Қатор ораларида тўксонбосди экинлар парваришланмоқда. Экинларга шахсан ўзим бошчилигимда маҳалла ходимлари билан қараймиз. Тўксонбосди ҳосили йиғиб олингандан сўнг, бу ерга помидор, бодринг, булғар қалампир каби сабзавот экинлари экилади.

Садоқат ЭГАМБЕРДИЕВА,
Тупроққалъа туманидаги “Обод” маҳалласи раиси.

МУАММО

“Худуд инфратузилмасида муаммолар кўп...”

Хишрав кўрғониди жойлашган “Ёшлик” маҳалласи қадимий худудлардан. Айтишларича, шу ернинг тупроғидан тайёрланган ғишлар Регистон майдонига қўлма-қўл етказиб берилган.

Бугунги кунда маҳалла аҳолисининг 65 фоизи давлат ташкилотлари, корхона ва заводларда меҳнат қилмоқда. Еттига хонадон эгаларининг ҳар бири томорқаларида 10-15 сотихли иссиқхона ташкил этиб, лимончилик билан шуғулланапти. Маҳсулотларини маҳаллий бозор билан бирга, экспортга чиқармоқда.

Утган йили 126 нафар ишсиз фуқаро такси хизмати, автомобиль таъмирлаш, уй ишларини бажариш ва бола парвариши бўйича ўзини ўзи банд қилиб, рўйхатдан ўтди. 11 нафар фуқарога чорвачилик, тикувчилик, юк ташувчи техника, сартарошлик ва мебель ишлаб чиқариш бўйича имтиёзли кредитлар ажратилди.

Маҳалла ёшларининг спорт билан шуғулланиши учун алоҳида спорт майдони йўқ. Бир неча йил олдин спорт майдони куриш учун 10 сотих ер ажратилганди, лекин шу вақтгача бирор спорт майдони курилмади. Ёшларимиз мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ўз қизиқишлари бўйича 36-мактабдаги ўзбек жанг санъати, шахмат, шашка, волейбол, футбол тўғрисида қатнашмоқда. Шу-



нингдек, бир тадбиркор аралаш жанг санъати (ММА) клубини ташкил этган бўлса, яна бир фуқаро ўз уйида “Street Workout” майдони куриди.

Чемпионлар бор. Каримжон Каримов кўл жанги, Фаридун Хасанов аралаш жанг санъати (ММА) бўйича халқаро турнир ғолиби. Қорабелбоғ соҳиби Жавлонбек Худойбердиев MMA бўйича вилоятлараро камар соҳиби.

2019 йил “Обод маҳалла” дастури доирасида кўчалар асфальтланиб, ер ости сув қувури тортил-

ди. Бироқ хонадонлар шунча йил ўтгач, энди қувурларга уланяпти. “Обод маҳалла” дастури юзаси бажарилди. Худуд инфратузилмасида муаммолар кўп. 60 та эски симёғоч янги бетон устунларга алмаштирилиши зарур. Шундан ўнтаси ҳалокатли ҳолатда. Учта трансформатор қўйилди, лекин электр энергия кучланиши паст, айрим маиший техникаларни ишлатиб бўлмаяпти. Натижада аҳолининг ҳақли эътирозини ортиб бормоқда. Бу масала шаҳар ҳокимининг сайёри қабулларида бир неча мартаба

айтилди. Бироқ амалий натижа бўлмапти.

Бундан уч йил олдин Мухандислар кўчасига ўрнатилган трансформатор ҳамон электр таъминотига уланмапти. Бу масалада бир неча марта туман электр таъминоти корхонасига мурожаат қилдик, лекин натижа йўқ. Нима эмиш, электр сим йўқ экан. Аслида электр симларни тўлиқ алмаштириш зарур.

Яна бир муаммо, Мухандислар ва Олмаота кўчаларидан оқиб ўтувчи анҳорнинг 500 метрини бетонлаш ёки лоток қўйиш керак. Чунки қўшни туманга оқиб ўтувчи ушбу анҳор тез-тез лой ва бошқа чиқиндиларга тўлиб, кўчаларни сув босмоқда. Афсуски, бу масала ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Бундан ташқари, совуқ кунлари табиий газ босими пасайиб кетмоқда. 500 метр ички йўл асфальтланиб, 3 та кўчага тунги ёриткич чироқлари ўрнатиш лозим. Замонавий маҳалла идораси курилиб, “Нуронийлар маскани” таъмирланса яхши бўларди. Энг муҳими, мономарказда ўқитилган “Аёллар дафтари”даги тўрт нафар аёлга тикув машинаси бериш кечикмоқда. Чунки уларга мономарказга ўқитилган, тикув машинаси берилиши айтилган. Шу босим ўртада биз ёлғончиға чиқиб қоляпти.

Хуршида ҚУРБОНОВА,
Самарқанд шаҳридаги
“Ёшлик” маҳалласи раиси.

МАНЗАРА

“Ўғирликлар туфайли “қизил” тоифадамиз”



Маҳалланинг бир томони Курама тоғларига, бир томони гавжум шаҳар марказига боғланиб кетган. Ҳозирда шаҳарда катта курилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Тор йўллар кенгайтирилиб, чироқлар ўрнатилди, болалар майдончалари, спорт масканлари ва аҳоли учун зарур бўлган бошқа маиший биналар қад кўтарди. Яроқсиз аҳволга келиб қолган шаҳар инфратузилмаси, газ, ичимлик сув ва электр тармоқлари янгиланди.



“Тошкент – Ўш – Ангрэн” А-373 автомагистрал йўли бўйида янги массив барпо этилиб, кўп қаватли уйлар қад ростлади. Аҳоли учун қатор қулайликлар яратилиб, зарур инфратузилма объектлари барпо этилди. Муҳими, шаҳарнинг мезморий қиёфаси тубдан ўзгарди.

Бу ўзгаришлар “Янгилик” маҳалласини четлаб ўтмади. Битта 9 қаватли тураржой курилиб, фойдаланишга топширилди. Яна битта шундай бинонинг пойдевори тайёрланди. Айни пайтда беш қаватли уй қад кўтаряпти.

Маҳаллада ҳовли уйлар йўқ, аҳоли 17 та кўп қаватли уйларда истикомат қилади. Тоғ этагида 38 та ҳовли-дачалар бор, холос. Уйсизларни уй билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Беш қаватли ётоқхона биноси қайта таъмирланиб, уйга муҳтож, ногиронлиги бор оилаларга берилди. Ҳозир бу ерда 45 та оила яшамоқда. Уларнинг иккитаси боқувчисини йўқ, ёлғиз аёл, Албатта, улар доимий эътиборда. Ҳомийлар кўмағида моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Ногиронлиги бор инсонларнинг спорт билан шуғулланиши учун ушбу 22-уйнинг олдида маҳсул жихозлар билан таъминланган спорт майдони бор.

Бида ишсизлар санокли. Чунки аҳолининг 98 фоизи ён-атрофдаги “Оҳангарон цемент” ва “Оҳангарон шифер” каби йирик корхоналар, терини қайта ишлаш, аккумулятор, қалиш ишлаб чиқариш ва ғишт цехларида меҳнат қилмоқда. Айни пайтда 15 нафар ишсиз рўйхатда турган бўлса, 20 нафари хорижда ишламoқда.

Утган йили кўплаб фуқароларга ўзини ўзи банд қилиши ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредитлар берилди. Натижада маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо-дўконлари сони ортди. Янги иш ўринлари яратилди. Хотин-қизлар, асосан, тикувчилик ва қандолатчилик йўналишида иш бошлади. Ўз уйида тикувчилик билан шуғулланиб келаётган Нигора Ғафурова фаолиятини кенгайтириб, Оҳангарон шаҳар деҳқон бозоридан қўшимча жой олди. Бу ерда олтига хотин-қизини ишли қилиб, турли кийим-кечаклар тикиб сотмоқда.

Афсуски, ишлаб чиқариш корхоналарида бўлаётган ўғирликлар туфайли “қизил” тоифадамиз. Утган йили 10 нафар фуқаро профилактика ҳисобига олинган бўлса, 6 та ўғирлик қайд этилган. “Яшил макон” умумий миллий лойиҳаси доирасида 10 сотих қаровсиз ерда алоҳида яшил боғ ташкил этилиб, павлония дарахти экилди.

Маҳаллага барча ташкилот раҳбарлари келиб, сайёр қабул ва хисобот бермоқда. Мавжуд муаммолар 3-сектор ҳамкорлигида ҳал этилмоқда. Келгуси режалардан бири, ишсизликка барҳам беришидир.

Мухтор ТҲХТАЕВ,
Оҳангарон шаҳридаги
“Янгилик” маҳалласи раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

“Йиғинда бунёдкорлик ишлари қизғин”

Аҳолининг асосий даромади чорвачилик ва томорқачилиқдан. 700 та хонадоннинг ярми чорва моллари билан шуғулланади. Ҳар бирида 4-5 та сигир, 20-30 та қўй бор. Рўзғоридан ортган гўшт, сут, қатик, чакки ва сарийёларни туман ва Навоий шаҳри бозорларига чиқариб, кўшимча даромад топяпти.



Бизга Самарқанд шаҳридан кўра, Навоий шаҳри яқин: 21 километр. Шу босим аҳолининг ақсарияти ушбу вилоятдаги корхоналарда меҳнат қилади.

Маҳаллада томорқачилик яхши ривожланган. Эликта хонадонда иссиқхона бор. Уларда помидор, бодринг, лимон ва турли хил кўкатлар етиштирилмоқда.

Бир қарашда деярли ишсизлар йўқ. Ҳаммининг ўз юмуши бор. Утган йили 296 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, рўйхатдан ўтди. Хотин-қизларнинг ақсарияти тикувчилик билан банд. Маҳалла идорасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган Севара Шокирова олтига тикув машинаси ва иккита шогирди билан аёллар кийимларини тикмоқда. Маҳалланинг 15 нафар хотин-қизи Севарага шогирд тушиб, чеварлик сирларини ўрганмоқда.

Утган йили тикувчилик ва юк ташувчи мотоцикллар учун 34 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар ажратилди. Тадбиркор Мунира Шоназарова қаровсиз қолган икки қаватли бинонини сотиб олиб, ўқув маркази ташкил этди. Ҳозир бу ерда маҳалла ёшлари инглиз тили, тарих, она тили ва адабиёт, физика, математика ва ментал арифметика бўйича қўшимча билим олмақда. Натижалар яхши. ўқувчилари ҳар бир йўналиш бўйича олий таълим муассасаларга ўқишга кирмоқда.

Маҳалла “Тошкент–Бухоро” катта автомобиль йўли бўйида жойлашгани учун хизмат кўрсатиш соҳаси кенгаймоқда. Ҳозирда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тамаддиҳона ва нововойхоналар ишламoқда. Тадбиркор Сардор Ғоипов ошхона ва турли маросимларни ўтказадиган мажмуа курилишини бошлади. Ушбу мажмуа

ишга тушган, яна ўнлаб аҳоли ишли бўлади.

Йиғинда бунёдкорлик ишлари авжида. Утган йили Зиёлилар кўчасининг 2,1 километри асфальтланди. 4 та трансформатор ва 50 та бетон устун қўйилди. Эски боғча қайта таъмирланиб, 125 ўринли замонавий боғчага айлантилди. Икки қаватли 46-мактаб замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Аввал икки сменада ўқиётган ўқувчилар энди бир сменада дарс ўтишмоқда. ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун қўшимча бино курилди. Ҳозир бу ерда дарсдан ташқари, кураш, волейбол тўғрисида фаолият юритмоқда. Яратилган шароитлардан унумли фойдаланаётган маҳалла ёшлари “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган волейбол ва кураш мусобақаларининг туман босқичида ғолиб бўлиб, вилоятда фахрли ўринларни эгаллади.

Кувонарлиси, фуқароларнинг фаол ва ташаббускорлиги сабаб, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидан 450 миллион сўм ютиб олиб, янги замонавий маҳалла идорасини куридик. Зарур шароитларга эга бўлган бино атрофини кўкаламзорлаштириб, яшил боғ ташкил этдик. Эски маҳалла идораси ёнида ташкил этилган 1 сотихли боғда мевали дарахтлар парваришланмоқда.

Айни пайтда ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Ариқлар тозаланиб, кўча юзидаги уйларга шакл берилмоқда. Оқова сувни тежаш учун ариқлар бетонлаштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳаллада иш қизғин.

Инобат МУҲАММАДИЕВА,
Пахтачи туманидаги
“Сарой” маҳалласи раиси.

НИГОХ

“Тарбияда мезон бўлмаса, оила ва жамиятда мувозанат бузилади”

Ажралиш ёқасида турган бир оилани яраштириш учун жуда кўп ҳаракат қилдик. Ҳар икки томон билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашдик, лекин самара бермади. Ҳамма ўз фикрида қаттиқ туриб олган. Аслида муаммони юзага келтираётган асосий сабаб — учинчи шахс аралашуви.



Қайнона ва қайнопага келиннинг иш билмаслиги ёқмаяпти. Фарзанднинг дашном эшитишига чидалмаган она аллақачон қизини уйига олиб кетган. Кўёв жим, ким нима қарорга келса, қаршилик билдирмайди. Алам қиладигани, қайнонанинг юраги тўпалон ва жанжалларни кўтаролмади. Яқиндагина турилган гўдак кўнгли ярим бўлиб ўлғаймоқда. Назаримда, уларни мурасага келтириш имконсиз...

Тарбия доим долзарб ва жамият ҳаётидаги муҳим мезон бўлиб келган. Қизларни катта ҳаётга тайёрлашда уй-рўзгор юмушларини пухта ўргатиш, ўғил болаларни хунарли ва илмли қилиш беқийё аҳамиятга эга. Яна бир оиланинг бузилишига айнан шу мезонга риоя қилинмагани сабаб бўлди. Йигитнинг меҳнат қилишига тоқати келмайди. Осон

пул топаман, деб фибригарлик йўлини танлайди. Бу жиноятга жавобан уч йил умрини қамоқхонада ўтказди. Унинг қилмишларига чидай олмаган турмуш ўртоғи ажралиш йўлини танлади. Энди уч нафар норасида ота меҳридан мосуво бўлиб улғаймоқда.

Отанинг ўзи тарбияга муҳтож бўлса-чи? Оғриқли бу саволга жавоб топиш бироз мушкул. Бир маҳалладошимиз тез-тез спиртли ичимлик ичиб, аёли билан жанжал кўтарди. 3 фарзанд неча йиллардан буён шу муҳитда ўсиб-ўлғаймоқда. Тўнғичи ўн олтини қаршилаган. Ҳадемай, ўғил уйлантириб, қиз чиқаради. Муаммони ҳал қилиш учун анча ҳаракат қилдик. Шукурки, ижобий томонга ўзгариш бор. Бундан-да яхшироқ натижаларга эришиш асосий мақсадимиз.

Ўтган йили ҳудудимизда 3 та жиноят

қайд этилди. Қанча ҳаракат қилмайлик, билиб-билмай қинғир йўлга кириб қолаётганлар учрамоқда. Кўшни маҳаллада яшовчи шахс ҳудудимиздаги хонадонларнинг биридан мол ўғилади. Яна икки киши онлайн ўйинларга берилиб кетиб, катта миқдорда пул ютқазиб қўйишди.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бекорчиликни бартараф этишга, имкон қадар аҳолининг бандлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Жумладан, 2023 йилда 130 нафар аҳоли ўзини ўзи банд қилди. 66 кишига 30 йил муддатга 30 сотихдан ер берилди. 62 нафар фуқарога маҳалла тавсияси билан кредит ажратилди. Уларнинг орасида иссиқхона қуриб, экин эккаётганлар, тикувчилик қилаётганлар ҳамда қандолат маҳсулотлари пишириб сотаётганлар анчагина. Йил бошидан буён яна 15 киши кредит олиш учун тавсиянома сўраб келди. Жасур Мамаюсовов музлаткич қуриш мақсадида 900 миллион сўм кредит олмоқчи. Биз юрагида шижоат ва ғайрати бор ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан фақат хурсанд бўламиз.

Аёллар бандлигини таъминлашда тикув цехларига эҳтиёж катта. Тўман марказига қатнаб ишлайдиганлар 8 км. масофа босиб, ҳар куни йўл ҳақиқа пул сарфлашига тўғри келяпти. Оладиган маоши унчалик катта эмас. Агар маҳалламизнинг ўзида янги иш ўринлари очилса, кўпчиликнинг мушқули осон бўларди.

Аёллар хотиржам меҳнат қилиши учун, аввало, фарзандидан кўнгли тўқ бўлиши керак. Бизда эса давлат мактаб-гача таълим муассасаси йўқ. Тўғри, 5 та хонадонда очилган хусусий боғчалар фаолият олиб борапти. Лекин болаларни тўлиқ қамраб олиш қувватига эга эмас. Қолганлар кўшни маҳалладаги боғчаларга қатнашга мажбур бўляпти.

Ҳудудимизда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар қаторини давом эттирсак, 3 та трансформатор ўрнатилар керак. 150 та электр устунлар ва кабеллар алмаштириладиган ҳолатга келиб қолган. Кўчаларимизда бирорта ёриткич йўқ. 7 км. ички йўللари асфальтлаштирмасак бўлмайди. Қариялар чойхонаси, маҳалла гузари қуриб берилса яхши бўларди. Тадбир ва йиғилишларни мактаб биносида ўтказишга тўғри келяпти. Бу масалалар бўйича бир неча марта туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларга мурожаат қилганмиз, аммо ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти.

Эшқурбон АБДИЕВ,
Ангор туманидаги
“Хомкон” маҳалласи раиси.

ҲОЛАТ

“Икки дарё ўртасида сувга ташнамиз”

Юртимизда тадбиркорларга очиб берилаётган кенг имкониятлар маҳалла ҳаётида қутилганидек ижобий самарасини кўрсатмоқда. Аҳоли ўзини ўзи банд қилишдан ташқари, қўллаб-қўллаган иш ўринларини ташкил этмоқда. Ҳудудимиздаги Фарҳоджон Одилов раҳбарлик қилаётган спорт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонада 300 нафар ходим меҳнат қилиб, рўзгор тебратяпти. Шундай ишбилармон маҳалладошларимиз ҳисобига 2023 йилда 140 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. Айти кунларда яна 35 кишини ишга қилиш ҳаракатидамиз. Зафарбек Маҳмудов бизнес режаси асосида қурилаётган 120 ўринли оилавий даволаниш ва диагностика клиникаси бунда бизга кўмак беради.



Раис қачон иш топиб бераркан, деб қўл қовуштириб ўтирмай, ўзи интилиб ҳаракат қилаётганлар ҳам бор. Шундайлардан 12 нафари маҳалла тавсияси билан кредит олди. 6 киши мотокўлтиватор ва электр мотокцикл сотиб олиб, яхшигина пул топляпти. Қолганлари тикув машинаси харид қилиб, чеварчиликни бошлаб юборишди. Хуллас, ҳамма берилган имкониятдан унумли фойдаланяпти.

61 та эҳтиёжманд оилаларнинг 40 тасига моддий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, туман ҳокими Жасурбек Абдураимов ташаббуси билан 7 та оилага 200 килограммдан бугўд, 3 та хонадонга 300 килограммдан кўмир берилди. Темир вафатларда рўйхатда турадиган ногирон парварлашга 2 та оилага кўёш панеллари ўрнатиб берилди. “Аёллар дафтари”га киритилган 5 нафар фуқарога “Саховат ва кўмак” жамғармасидан қурилиш моллари ва даволаниш учун пул маблағи ажратилди. 5 нафар талабанинг контракт пуллари тўлаб берилди. Ҳомийлар боқувчисини йўқотган ва ёлғиз кексаларни турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тез-тез ўйқлаб туришибди. Бу хайрли амаллар бир кун ҳам тўхтаб қолаётгани йўқ, мунтазам давом этиб келмоқда.

Давомий ишларимиздан яна бири

“Яшил макон” лойиҳасидир. Бу бўйича 2023 йилда аҳоли билан ҳамкорликда 9 минг туپ дарахт кўчатлари ўтказдик. Келаятган баҳорда эса 2 500 туپ терак ва 2 500 туپ мевали нихоллар экишни режалаштирганмиз. Лекин дилни хира қиладиган бир муаммо бор: оқва сув танқислиги сабаб кўчатларнинг 10-12 фоизи қуриб қоляпти.

Аслида маҳалламиз Қорадарё ва унинг ирмоғи бўлган Қолғандарё оралиғида жойлашган. Икки дарё ўртасида сувга ташнамиз. Сабаби уларнинг сатҳи биздан 6-8 метр чуқурликда жойлашган. Йўлини қилиб, махсус насослар ёрдамида сув чиқараётган фермерлар бор. Лекин оддий аҳоли ундан фойдалана олмайди. Маҳалла-ката бирдек оқва сув кириб келиши жуда катта маблағ талаб этади. Бу масалада туман Деҳқон ва фермерлар уюшмасига мурожаат қилганмиз. Қудуқ қазиб бериш бўйича лойиҳа тақдим этилган. Лекин амалда ўзгариш бўлмапти. Агар шу муаммога ечим топиладигани, халқимиз жуда миннатдор бўларди. Экинларимизнинг мўл-кўл ҳосили билан бозорларни тўлдирардик.

Ойбек АБДУРАУФОВ,
Балиқчи туманидаги
“Гузар” маҳалласи раиси.

ҲОЛАТ

“Эҳтиёжмандлар сафини қисқартиряшимиз”

2023 йил бошида эҳтиёжманд оилалар сони 25 тани ташкил этган бўлса, бу йилга келиб улар 17 тага қисқарди. Аҳоли билан ишлаш жараёнида уларнинг қизиқишлари, қайси йўналишда ишни эплай олишини инобатга олиб, ўзини ўзи банд қилишига шароит яратиб беряпмиз.



Айтилди, уйда ногирон фарзанд парварлашгаётган аёлларга кредит асосида иссиқхона қуриб бериляпти. Кўпчилик хотин-қизлар тикув машинаси харид қилиб, кўрпа-тўшак, кийим-кечак тикиб сотяпти. Сартарошлик, автомобиль тузатиш каби соҳаларга қизиқадиган ёшларни бандликка кўмаклашиш марказларида ўқитиб, ишга жойлаштираемиз. Ҳар ҳолда аввалгидек кимнингдир қўлига қараб, рўзгорда қийналиб қолмаяпти. Меҳнат қилиб, шунга яраша даромад топяпти.

Айти вақтда эҳтиёжманд оилалар сони 8 тани ташкил этмоқда. Уларни туман ҳокимлиги, маҳалла ва ҳомийлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, бир фуқарога хайдовчилик курсида ўқиши учун тўлов қилиб берилди. Яна бир кишига фуқаролик паспорти олишида ёрдам қилдик. Туман

ҳокимлиги ва ҳомийлар кам таъминланган оила фарзандига суннат тўйи қилиб беришди.

Маҳалла тавсияси билан 110 нафар фуқаро кредит олди. Янги иш бошлаганлардан ташқари, ўз бизнесини янада ривожлантириш учун ҳаракат қилаётганлар ҳам бор. Мухаммадқодир Тожимамитов шундай тиришқоқ тадбиркорларимиздан бири. Етти йиллик тажрибага эга бу йигит қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. 7 кишини доимий иш билан таъминлаган. 2023 йилда унга маҳалла тавсияси билан 30 миллион сўм кредит ажратилди.

Нилуфар Мансурова тикувчилик йўналишида анчагина катта натижаларни қўлга киритиб келмоқда. 50 нафар ходимлари билан бирга сифатли болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Тадбиркор бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Яқинда ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан 15 сотих ер сотиб олди. Энди катта бир бино қуриб, 300 ўринли тикув цехи ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ишга келадиган аёлларга қулайлик яратиш мақсадида цехнинг ёнгинасида хусусий болалар боғчасини ташкил этишни режа қилган.

Маҳалламизда 23 нафар шундай меҳнат қилиб чарчамайдиган тадбиркорлар бор. Уларнинг ҳар бир янги ғояси ва ютуғи аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилмоқда.

49 нафар томорқачини расмий равишда рўйхатдан ўтказганмиз. Кўпчилиги ернинг бир қисмида иссиқхона ташкил этиб, қишда ҳам помидор, бодринг, қўкат каби полиз экинларини етиштирмоқда. Очик ердан икки-уч қайта экин экиб, унумли фойдаланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламизда кўча чангитиб юрган бекорчининг ўзи йўқ. Ҳамма нимадир иш билан банд. Кунлик режаси, амалга оширадиган муҳим вазифалари бисёр. Балки шунданми, мана икки йилдирки, жиноятчиликдан холи ҳудудимиз.

Иньомжон ҚОСИМОВ,
Жалақудуқ туманидаги
“Жалақудуқ” маҳалласи раиси.

МАНЗАРА

“Кичик саноат корхоналарига эҳтиёж катта”

Маҳалламизга Осиё тараққиёт банки “Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 20 миллиард 873 миллион сўм маблағ ажратган. Режага мувофиқ 10 км. йўлни асфальтлаштириш, 15 км. ичимлик сув қувурларини ётқизиш, 12 км. электр тармоғини ташмирлаш, 3 та трансформаторни алмаштириш ҳамда мактабга фаоллар зали қуриш асосий вазифа этиб белгиланган.



Биринчи босқичда лойиҳани амалга оширувчи гуруҳ аҳоли билан учрашиб, ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларни синчиқлаб ўрганди. Иккинчи босқичда турли ёш вакилларида иборат ташаббускор гуруҳ шакллантирилди. Улар жараённи кузатиб боради ва натижаларни қабул қилиб олади. Асосий ишлар март ойидан бошланади.

Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаб бўлиб, аҳоли кўпроқ даромад топишига кўмаклашишимиз керак. Шу кунга қадар деҳқончилик, чорвачилик ва асарличилик асосий йўналишимиз бўлган. Бундан буён кичик бўлса-да, саноат корхоналарини ташкил этиш зарурати туғилмоқда.

Бу борадаги ишларни аллақачон бошлаб юборганмиз. Жумладан, 2023 йилда 77 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. 39 кишига маҳалла тавсияси асосида 1 миллиард 800 миллион сўмлик кредит ажратилди. Айримлари иссиқхона қурган бўлса, бошқаси электр мотокцикл харид қилди. Ака-ука Барноевлар мебелсозлик йўналишида яхши натижаларни қўлга киритяпти.

180 кишига 10-30 сотихли ерлар 30 йил муддатга берилди. Улар расман томорқачилик билан шуғулланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиряпти. Одамлар картошка, қовоқ, маккажўхори экиб, тўй қиляпти, машина оляпти, уй таъмирляпти. Мана

бир мисол, маҳалладошимиз Нажмиддин Насруллоев 7 сотих томорқадан йилгига 3 марта фойдаланади. Кузда ерга гилос, ўрик ҳамда ёнғоқ данакларини қадаб, эрта баҳорда қўчат қилиб сотади. Бўшаган майдонга помидор уруғларини сочади. Уни ҳам пуллаб бўлса, маккажўхори экади. Оиланинг 5 нафар аъзоси шу зайдда меҳнат қилиб, беш йил ичида 3 та янги “Damas” автомобилни харид қилишди.

Ўтган йили 23 киши хориждан қайтиб келди. Улар ҳар ой маҳалламизда ташкил этиладиган бўш иш ўринлари ярмаркасида ўзига ёққан йўналишларни танлаб, иш бошлашди. Айти вақтда мигрантлар сони 112 нафарни ташкил этмоқда. Ҳар бири билан телефон орқали гаплашиб, хабарлашиб турибмиз. Кредит ёки ери, оиласи бағрида яхшигина даромад топиши мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз.

32 та эҳтиёжманд оилаларга 24 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Туман ҳокимлиги ва ҳомийлар 4 тонна кўмир тарқатди. “Аёллар дафтари”га киритилган бир фуқаронинг уйда 14 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Турмуш ўртоғи вафот этган, икки фарзанди билан қийналиб қолганди. Бундай оилалар доим эътибор марказимизда. Ким қандай ёрдам кўрсатмоқчи бўлса, дарров уларга йўналтираемиз.

“Яшил макон” лойиҳаси бўйича 18 мингга қўчат эқдик. Фермерлар билан ҳамкорликда йўл ва дала четига тут нихолларини ўтказдик. Қабристонга маҳалла тавсияси асосида 1 миллион 500 миңга қўчатлар қадашди. Бундан ташқари, маҳалладошларимиздан Нажмиддин Бадриддинов 150 дона ўрик қўчати, Холмурод Торсоев 200 туپ гилос нихолларини ўтқазиб, ҳаммага намуна кўрсатди.

Шоир АМИНОВ,
Вобкент туманидаги
“Хўжабаб” маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА



“Йўл ва ёғоч устунларни таъмирлаш керак...”

Ҳар биримизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз, яшаш тарзимиз, оиламиздаги маънавий муҳит ва фарзандлар тарбиясини маҳалладан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Биз айна шу қадриятлар асосида фаолиятимизни ташкил этганмиз. Худудда 7 745 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Утган йили хатловда аниқланган 100 нафар эҳтиёжманд фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди.

Оилавий ажралишлар, келишмовчиликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар сабабли салбий ҳолатлар камайиб бормоқда. 2022 йилда 3 та оилавий ажралиш қайд этилган. Утган йили бу рақам 1 тага қисқарди. Ўз навбатида жиноятлар сонини камайди. 2023 йилда 4 та жиноят содир этилди. Ҳозир “сарик” тоифадамиз. Озодликка чиққан маҳалладошлар билан профилактик тадбирлар олиб борилмоқда. Масалан, 2023 йилда Фарход Бердиев оила бағрига қайтди. Уни туман ободонлаштириш бўлимига ишга жойланди.

Маҳалланинг обод ва қўрқам бўлиши аҳолининг ҳамжихатлиги, ўзаро меҳр-оқибатига боғлиқ. Зеро, аҳиллик бор жойда осойишталик, ободлик, хотиржамлик бўлади. “Заркент” да бунга қатъий амал қилинади. Фуқаролар йиғини қошидаги оксоқоллар кенгашининг одамлар билан бамаслаҳат иш олиб бораётгани ҳар қандай масалага оқилона ечим топиш имконини бермоқда. **Маҳалла “драйвери” — томорқачилик ва савдо.** 1 307 та хонадоннинг барчасида томорқа ерлари бор. 210 нафар фуқаро шу орқали ўзини ўзи банд қилган. Худуд аҳолиси шахсий томорқасидан қишин-ёзин мўл ҳосил олиб,

бозорлар тўқинлигига ҳисса қўшмоқда. Амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларидан барча мамнун. 2023 йилда “Яшил макон” лойиҳасида 1 200 дона кўчат экилди. Платформага 800 дона киритилди. Афсуски, 2022 йилда ерга қадалган 2 000 дона терак қаламчаси сувсизлик сабабли нобуд бўлди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим омил бўлаётди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган йили 281 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, 266 нафари ишга жойланди. 15 нафарининг бандлигини таъминлаш 2024 йилга режалаштирилган.

Бундан ташқари, ишсиз фуқароларнинг 91 нафарига жами 2 миллиард 17 миллион сўм кредит ажратилди. Шу ҳисобига 104 та янги иш ўрни яратилди. Аммо лимит камлиги ва бошқа сабаблар билан 67 та ариза рад этилди. Хорижда меҳнат қилаётган 106 нафар мигрантни шу ерда бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Уларга кредит ва субсидия ҳамда ер берилмоқда. Масалан, 2023 йилда ана шу тоифадаги 9 нафар ёшларга 15 сотихдан ер ажратилди.

Шу ўринда инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни айтиб ўтиш ўринли. 10 км. ма-софадаги ички йўллари асфальтлаш, 200 дона ёғоч устунларни бетон устунга алмаштириш лозим. Қолаверса, Асилобод кўчасига табиий газ тармоғи тортиш керак. Ҳар уччала масала юзасидан туман ҳокимлигига, сектор раҳбарига таклиф берганмиз.

Абдуқаҳҳор МАМАТОВ,
Тошлоқ туманидаги
“Заркент” маҳалласи раиси.

ТАКЛИФ

“Жиноятни қайд этиш мезонлари ўзгарса...”


Маҳалла туман марказида жойлашган. Худудда Ургут туманининг деҳқон бозори бўлгани учун савдо-сотик кенг ривожланган. Аҳолининг саксон фоизи айна шу йўналишда меҳнат қилмоқда.

Йиғинда бўш жой бўлмагани учун ишлаб чиқариш корхоналари йўқ. Шу боис аксарият тадбиркорларимиз “Ургут” эркин иқтисодий зонасида газлама-мат, ўйинчоқлар ва пайпоқ ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйган. Қувонарлиси, эркин иқтисодий зонада аҳолининг 35 фоизи доимий иш ўрнига эга.

Илгари бу ерда хунармандлар кўп бўлган. Асосан, кетмон ва ўроқ ясашган. Ҳозир ҳам ушбу хунар билан шуғулланаётган уста-хунармандлар кўп. Шунингдек, кулоллар, сандиқчилар бор. Улардан бири, Самарқанд кулолчилик санъатига катта ҳисса қўшиб келаётган, Ургут мактабининг саккизинчи авлод давомчиси Нўмон Облоқуловдир. У киши “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвонига эга. Утган йили Фарғона вилояти Риштон туманида ўтказилган Халқаро кулолчилик форумда “Энг яхши кулолчилик мактаби устаси” номинация ғолибига айланди. Кулолнинг ижод намуналари нанки уй-рўзгорни, балки дунёдаги бир қатор музейлари безаб турибди.

Бундан ташқари, маҳаллада қирқта оила сандиқ ясаш билан машғул. Махсулотлари харидоригр, республикамизнинг турли ҳудудларига сотилмоқда. Маҳаллада чеварчилик ҳам ривожланмоқда. Шахло Нуруллаева ва Баҳора Бердиева тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, ўндан ортқ хотин-қизларни ишли қилди. Утган йили кредит ва субсидиянинг катта қисми айнан тикувчилик йўналишига ажратилган.

Юлдуз Зайнидинова қандолатчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган бўлса, Маъмур Исақулов “Равон” ўқув марказини



ташқил этди. Бу ерда маҳалла ёшлари олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тайёрланмоқда. Натижалар яхши, ёшлар ўқишга кириш бўйича туманда биринчи ўринда.

Маҳалла аҳолисининг етмиш фоизидан чорва моллари, 403 та хонадоннинг барчасида 2 сотихдан 10 сотихгача томорқа ерлари бор. Унда ўрғорбоп полиз махсулотлари, асосан, помидор ва картошка экади. Етти оила иссиқхоналарида лимон етиштирмоқда. Улар рўзгордан ортагани бозорга чиқариб, қўшимча даромад олади. Бироқ икки йилдан бўён оқова сув муаммо бўляпти. Чунки сув 4-5 километр узокликда, тоғдаги чашмалардан келади.

Кунига 20-30 минг одам кириб чиқадиган Ургут тумани деҳқон бозорининг мавжудлигидан жиноят-

чилик бўйича “қизил” тоифага тушиб қолди. Бозордаги ҳар бир ҳуқуқ-бузарлик маҳалла ҳисобига ёзилмоқда. Иш кўплигидан профилактика инспекторимиз бозордан ортмай қолди. **Таклифим** — жиноятчилик қайси ҳудудда содир бўлганига эмас, жиноят содир этган фуқаро қайси маҳалладан эканига қараб, баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш керак.

Маҳалла ёшларининг спорт билан шуғулланиши учун шариот йўли. Таъмирталаб, эски мактабнинг спорт зали кичкиналик қилмоқда. Инфратузилма бўйича муаммолар етарли. 60 та симёғоч бетон устунларга алмаштирилиб, янги трансформатор қўйилши, 300 метр ариқ бетонлаштириш керак. Ўқувчилар учун 54-мактабга борадиган 500 метр пйёдалар йўли қурилиши зарур. 2,5 километр йўл асфальтланиши лозим.

Юқоридаги муаммолар масъул ташкилот раҳбарларига айтилган, бироқ амалий натижа йўқ. Масъуллар муаммоларни ҳал этиш учун “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига қўйинлар, дейишмоқда. Бироқ ҳар бир лойиҳани ютиб олиш осон иш эмас.

Азим ҚАЙУМОВ,
Ургут туманидаги “Юқори Калангар” маҳалласи раиси.

ҲОЛАТ

“Баъзи ёшлар оила ва турмушни ўйин деб билаяпти”

Маҳалланинг асосий драйвери — қосибчилик. Аҳолининг 70 фоизи хонадонларида оилавий пойабзал тикиш билан шуғулланади. Талаб ва таклифдан келиб чиқиб, йилдан-йилга сифат ва дизайн такомиллашиб бораёпти. Харидорлар сафи кенгайиб, ҳатто қўшни давлатларга экспорт қилиш кўлами жадал ўсмоқда.

Муроджон Нишонов шу соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлардан бири. 35 кишини доимий иш билан таъминлаган. Бундан ташқари, устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиб, ёшларга қосибчиликнинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

Адҳамжон Жалолов қўл остида эса 50 нафар ходим меҳнат қилади. У қосибчиликдан ташқари, маҳаллада спортни ривожланти-

ришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Бу йигит мураббийлик қилаётган терма жамоамиз 2023 йилда “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг туман ва вилоят босқинида ғолибликни қўлга киритиб, республикада 4-ўринни олди. Юқори натижадан руҳланган футбол иштиёқмандлари маҳалла стадионини янгидан таъмирлашди. Қолаверса, волейбол, шахмат, шашка тўғараклари мунтазам равишда ишлаб турибди. Ёшлар етакчиси билан бирга яна янги спорт тўғараклари ташқил этишни режалаштирганмиз. Бунинг учун мутахассис тренерларга эҳтиёж туғилаяпти.

Утган йили 40 нафар аёлга субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди. Маҳалла тавсияси асосида 28 кишига умумий миқдори 575 миллион сўмлик кредит ажратилди. 40 нафар фуқаро 10 сотихдан ер олиб, расман томорқачилик билан шуғулланаяпти. Ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Ҳамма меҳнат билан банд.

Ёшлар турмушни ўйин деб билаяпти. Маҳалламизда қайд этилган 3 та ажралишга оила олдидаги масъулиятни ҳис қилмаслик сабаб бўлган. Биринчи ҳолатда эр турмуш ўртоғининг бегона киши билан ёшишган хабарларини қўриб қолади. Бошқа оилада келин қайнона билан мурося қилишни хохламайдди. Учинчисида эр-хотин ўзаро келишолмайди. Уларни яраштириб, оиласини тиклаш десангиз, ҳаммаси айтганида туриб олади. Бир-бирига ён босишни истамайдди. Энди жабрини беш нафар тиррик етим бўлиб қолган болалар тортапти.

Тоҳиржон ЭСОНОВ,
Андижон туманидаги
“Полосон” маҳалласи раиси.



Иҳота салбий экологик таъсирни камайтиради

Сўнгги йилларда “Яшил макон” умумий лойиҳаси, Оролбўйида яшилликни таъминлаш чоралари доирасида кўплаб дархат кўчатлари ўтказилди. Бу жараёнда ўрмонларни кенгайтириш, суғориладиган ва лалми ерларни эрозиядан сақлаш масалалари эътибордан четда қолмаёпти. Бунда, асосан, иҳота дархатзорлардан фойдаланиляпти.

Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида суғориладиган ерларнинг шамол эрозияси ҳамда сув ҳўжалиги объектиларини кум босишига қарши курашиш мақсадида иҳота дархатзорларини барпо этиш белгиланган.

Иҳота дархатзорлари — қишлоқ ҳўжалиги экинлари, чорвачилик фермалари, каналлар, аҳоли пунктлари, автомобиль ва темир йўллар, сув омборлари ва бошқа объектиларни табиатнинг ноқулай ҳодисаларидан (қургўқчилик, тупроқ эрозияси, сел, қор ва б.) сақлаш ва микроқ-

лимни яхшилаш мақсадида барпо қилинадиган ўрмон дархатзорлари саналади. Улар ўрмон массивлари, тасмасимон ва туп-туп шаклда бўлиши мумкин. Бу дархатзорлар ўрмонларнинг 1-гурӯх тоифасига қиради.

Баҳарадиган вазиносига қараб иҳота дархатзорлари давлат, лалми, каналлар атрофидаги, суғориладиган ерлардаги, тоғ қиялиқларидаги сувларни тартибга солиш иҳотазорлари каби турларга бўлинади. Бундай дархатзорларни барпо этишда асосий (ҳимояловчи), йўлдош (тупроқнинг вертикал кесимини зичлайдиган) дархатлар ва буталардан (тупроқни эрозиядан ҳимоялайдиган) фойдаланилади. Иҳотазорлар экинларни зарарли ҳашоратлардан ҳимоя қилибгина қолмай, фойдали ҳашоратларнинг кўпайишига имкон яратади.

Умуман олганда, иҳота дархатзорлари иқлимни мўътадиллаштириб, салбий экологик таъсирни камайтиради.

Алижон ИСКАНДАРОВ,
Бекобод тумани Юридик хизмат
кўрсатиш маркази бошлиғи.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Рустам ЮСУПОВ
Шаҳноза РАҲИМХўЖАЕВА
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг
ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Муассис: «Mahalla» nashriyot-matbaa uy) МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Ұлчима — 380x587, 4 б.т. **4 200 нусхада чоп этилди.** Буюртма №: Г-120 Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

